БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 102 (3840). | Сешанба, 28 май 1968 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

Бу йил она-Ватанга 356 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олганмиз. Ана шу ҳосил тақдири ҳозирги кунлардаги меҳнатимизга боғлиқ.

Ҳамма ерда зўр уюшқоқлик билан меҳнат қилайлик. Бутун куч ва техника воситалари ғўза парваришига сафарбар этилсин.

Қишлоқ хўжалиги командирлари, ҳозирги вазиятда ишда ташаббус ва юксак ташкилотчилик намуналарини кўрсатинг. Далада ишлаётганларга ғамхўр ва меҳрибон бўлайлик.

Ёввойи ўт ва ҳашаротга қарши барча чоралар билан курашайлик.

СОВЕТ ЧЕГАРАЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Совет чегара қўшинлари ташкил қилинган кунинг 50 йиллиги билан чегарачи жангчиларни қизғин табриклайдилар.

В. И. Ленин ташаббуси билан вужудга келтирилган, Коммунистик партия тарбиялаб етиштирган ва душманларга қарши олиб борилган кўпдан-кўп жангларда чиниққан совет чегара қўшинлари ватанимиз давлат чегараларини қўриқлашдек масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажармоқдалар, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти билан бирга коммунизм қураётган совет халқининг тинч меҳнати посбонлигида турибдилар. Чегарачилар ватанга садоқат билан фидокорона хизмат қилиб, совет кишиларининг чуқур ҳурматига ва ҳаммининг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлдилар.

Империализм Совет Иттифоқига ва қардош социалистик мамлакатларга қарши қўпорувчилик фаолиятини кучайтираётган ҳозирги шароитда чегара қўшинлари СССР Давлат чегарасини ҳушёрлик билан пухта қўриқлашлари лозим. Бу эса командирлар, сиёсий ходимлар, партия ва комсомол ташкилотларини чегара қўшинларининг жанговар тайёрлигини тинмай оширишга, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлашга, шахсий составни буржуа идеологиясининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз бўлиш руҳида, социалистик ватанга, совет халқига ва Коммунистик партияга чексиз садоқат, ҳарбий бурчни намунали адо этиш руҳида тарбиялашга даъват этади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Совет чегарачилари улуғ социалистик ватанимиз чегараларининг даҳлсизлигини бундан буён ҳам мардона ва сабот-матонат билан таъминлайдилар, деб ишонч билдирадилар.

Азиз ўртоқлар, машаққатли, масъулиятли ва фахрли хизматингизда сизга янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи чегараларининг ҳушёр посбонлари — Совет чегарачиларига шон-шарафлар бўлсин!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ | СССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚдаги «Ленинский путь» колхозининг лубкорлари бу йил мамлакатга 20 минг тонна каноп пояси етказиб беришга аҳд қилганлар. Барча майдонларга экилган экин бир текис униб чиқди ва нормал ривожланмоқда. Механизаторлар қатор оралариии культивация қилишни кун сайин қизитмоқдалар. Суратда: каноп қатор ораларини культивация қилиш пайти.

ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш юзасидан олиб борилаётган умумхалқ социалистик мусобақасида актив қатнашаётган Бекободдаги Ленин номли колхоз пиллачилари областда биринчи бўлиб давлатга пилла сотиш йиллик планини шараф билан бажардилар. Ватан омборига 18 минг 950 килограмм аъло сифатли «кумуш тола» етказиб берилди.

Бу ютуқ колхоз пиллачиларининг йил бошидан буён астойдил қилиб келаётган меҳнатлари самарасидир. Маълумки, бу йилги шароитлар пиллачилик учун анча оғир келди. Колхоз меҳнаткашлари тут дарахтлари парваришини намунали йўлга қўйиб, баргни кўпайтириш чораларини кўришди. Ипак қурти боқиш мавсумига ҳамма нарса ўз вақтида тахт қилиб қўйилди.

Долзарб мавсув бошлангавидан сўнг колхознинг барча қуртбоқарлари ўртасида социалистик мусобақа авж олдирилди. Ипак қуртларини жадал усулда боқишнинг зарур тадбирлари амалга оширилди.

Хўжаликнинг пешқадам пиллачиларидан К. Холмирзаева, А. Ўринбоева, Х. Мирзаева снигари ўртоқлар бир неча йиллардан буён колхоз бўйича рекорд ҳосил етиштириб келмоқдалар. Уларнинг бу йилги меҳнатлари ҳам қувончли самаралар бермоқда. Ҳар қути ипак қурти ҳисобига ҳозирнинг ўзидаёқ 100 килограммдан ошириб пилла топширилди.

Колхозда давлатга пилла топшириш қизғин давом эттирилмоқда. Пиллачилар она-Ватанга йиллик пландагидан ташқари яна 3 минг килограмм ҳосил етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи еттинчи чақириқ Олий Советининг тўртинчи сессияси 1968 йил 25 июнда Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1968 йил, 24 май.

МУСОБАҚАДОШЛАР КЎМАГИ

Деҳқонлар учун ҳозир ҳар дақиқа ғанимат. Вақтинг кетди, бахтинг кетди, деган гап бор. Шунга амал қилиб бепоён далаларда тер тўкиб меҳнат қилишмоқда улар. Эзгу ниятларига етиш максадида, қунт, ақл, идрок билан бу йил юз берган табиий қийинчиликларни бартараф этиш учун астойдил курашмоқдалар.

Ҳозирги долзарб кунларда ҳамкасб мусобақадошлар бир-бирларига ҳамдард, маслаҳатгўй ва кўмакдош бўлишяпти. Мана шу мақсадда Бўка районидаги Тельман номли колхозга мусобақадош «Ленинизм» колхоз пахтаконлари ўзаро текшириш ўтказиш учун келишди.

Бу икки колхоз ҳавонинг паст келишидан ташқари дўл ва селдан анчагина зарар кўрган хўжаликлардан. Тельман номли колхознинг 900 гектар пахта майдонидан 650 гектарини дўл уриб, 432 гектар ердаги ғўза ниҳоятда сийраклашиб қолди. Бу ерларга қайта чигит экилди. 272 гектар хато ерга қўл билан чигит экиб чиқилди. Лекин, юз берган аҳволнинг оқибатлари ҳали тўла тугатилгани йўқ, кураш давом этаяпти. 24 трактор далаларда тинимсиз ишлаб турибди.

Мусобақадошлар 4 группага бўлиниб, колхознинг барча звено ерларини бирма-бир кўздан кечирдилар. Бу ерда кўлланган яхши тадбирларни ўргандилар, мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун тегишли маслаҳат бердилар.

Назира Ҳайдарова бошлиқ звенодаги ишлар мусобақадошларининг эътиборини тортди. Звенодаги 35 гектар пахта майдонидан 4 гектари бузиб қайта чигит экилган эди. Назира Ҳайдарова ўз агрегати билан барча майдондаги ғўзани икки маротаба культивация қилиб чиқди. Звено аъзолари ғўзага нормал шароит яратиш учун кетмон билан чопиқ қилмоқдалар, ўтларни йўқотмоқдалар. Мусобақадошлар бу ерда иш тўғри ташкил этилганини кўриб хурсанд бўлдилар.

— Трактор иш ограничларидан колхознинг ҳар бир звеносида шароитга қараб тўғри фойдаланаётгани бизга маъқул бўлди, биз ҳам колхозимизда шундай қилмоқчимиз,— деди «Ленинизм» колхозининг раиси Икром Жўраев.

Шу билан бирга мусобақадошлар айрим звенолардаги камчиликларни ҳам кўрсатиб, уни тузатиш чораларини ҳам айтиб бердилар. Масалан, Мустафо Мелозов бошлиқ звенода кўчат сийрак қолган бўлса ҳам ғўзани кўндалангига киришга киришганлар. Мусобақадошлар звено аъзолари билан суҳбатлашиб даладаги аҳволни бирга кўздан кечирдилар. Ғўзани кўндалангига кирқилса звено фойда кўрадими ёки зиён қиладими, деган савол туғилди. Кўпчилик кўндалангига кирқса кўчат кам қолишини, кейин уни тўлдириш қийин, деган фикрни айтди.

Озиқвой Иброҳимов бошлиқ звенода эса ғўза қатор оралари культивация қилинган бўлса ҳам кўчат тагидаги қатқалоқ йўқолмаганидан, ёш ниҳоллар яхши ривожланмай турибди. Шунинг учун бу ерга тезроқ сув тарамаса, кўчат тагидаги каткалоқ йўқолмаслиги кўрсатилди. Абдураимов бошлиқ звенода ҳам айнан шундай аҳвол: сув таралмаса кўпгина кўчат нобуд бўлиши айтилди.

Абдуқаюм Тожимуродов бошлиқ звенода, бундай караганда, ишнинг кетиши ёмонга ўхшамайди. Кетмончилар, сувчилар ишлаб турибди. Бир пайкални эндигина культивация қилиб чиккан трактор карта четида турибди. Лекин бу ердаги иш мусобақадошларни қаноатлантирмади, чунки сугориш ҳам, культивация ҳам сифатсиз ўтказилган. Звено бошлиги пайкалдаги ёш ғўзаларни тракторни тез ҳайдаб культивация қилгани учун кўпгина кўчат кўмилиб қолган. Ундан ташқари, қатор орасида трактор тўғри юрмаганидан, баъзи жойларда кўчат нобуд бўлган. Мусобақадошлар айни пайтда тракторни шошмасдан секин ҳайдашни, культивация сифатига эътибор беришни тавсия қилдилар.

Ёп картада ғўзага сув таралпяпти. Пайкал ораси кўллаб ётибди.

— Ҳалитдан бундай сув кўйилса, ғўза сувда эзилиб қолади. Кўчатни жонлантириш учун ҳозир югуртириб сугорилса бас,— деди «Ленинизм» колхозининг агрономи Усмонқулов.

Кеч пайт ҳамма звено аъзолари, колхоз мутахассислари йиғилиб, мусобақадошларнинг танқидий мулоҳазаларини муҳокама қилдилар. Кўчатни тўла сақлаб қолиш, бор кўчатларнинг яхши ривожланишини таъминлаш учун тегишли тадбирларни белгилаб чиқдилар.

Колхоз активлари мусобақадошларнинг таклифларини маъқулладилар. Ғўзанинг колоқликдан чиқариш, парваришни кучайтириш учун астойдил меҳнат қиламиз, деб ишонч билдирдилар.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

КАРТОШКА ХИРМОНИ

Шу кунларда Калинин районидаги Охунбобоев номли колхоз далаларида эртаги сабзавот экинларининг баракали ҳосили бирин-кетин пишиб етилмоқда. Хўжалик деҳқонлари бу йил эртаги картошкани ҳар йилгига нисбатан йигирма кун олдин етилтиришга муваффақ бўлдилар. Чунки улар ишга анча барвақт киришиб кетган эдилар. Экин парвариши кун сайин авж олдириб юборилди. Сабзавоткорларнинг фидокорона меҳнати туфайли барча майдонларда картошкадан баракали ҳосил етиштирилди.

Ҳозир колхозчилар эртаги картошка ҳосилини жадал йиғиштириб олмоқдалар ва шаҳарликларга туҳфа этмоқдалар. Колхознинг айниқса ўрток Х. Азимов бошлиқ участкасида картошкадан кўтарилаётган хирмон анча баракали бўлаяпти. Гектар бошига 13-14 тоннадан картошка йиғиштириб олинмоқда.

Колхоз далаларидан давлат омборига ҳар куни 40—50 тонна картошка жўнатиб турилибди. Шаҳарликларга камида 710 тонна картошка етказиб бериш мажбуриятини олган бу колхоз аъзоларидан йиллик планни 15 июнга қадар бажаришга қатъий аҳд қилишди.

Н. ТЎРАЕВ.

Суратда: участка бошлиғи Ҳаким Азимов (чапда) ва колхоз партия ташкилотининг секретари Худойберган Ҳакимов ўртоқлар янги картошка ҳосилини кўздан кечирмоқдалар.

Автор фотоси.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

Кеча область партия ташкилоти активи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон КП Марказий Комитети X пленумининг «Капитал қурилишини яхшилаш тадбирлари ва республика партия ташкилотининг вазифалари» қақидаги қарорининг бажарилиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда область партия комитетининг секретари **К. Н. Бекаев** доклад қилди. Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Ф. Ғ. Ёқубов**, Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари **О. С. Соқиев**, «Таш облсельстрой» тресті бошқарувчиси **Р. А. Минавваров** ўртоқлар қўшимча докладлар қилдилар.

Муҳокама қилинган масала юзасидан музокаралар бўлди.

Актив йиғилишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. А. Абдураззоқов** сўзлади.

Йиғилиш ишида КПСС Марказий Комитети қурилиш бўлими сектор мудири **И. И. Ишченко**, Ўзбекистон КП Марказий Комитети қурилиш бўлимининг мудири **М. С. Саидов**, Ўзбекистон ССР Қурилиш министри **С. И. Иброҳимов**, Ўзбекистон ССР қурилиш материаллари саноати министри **П. П. Фалалеев**, республика қишлоқ қурилиши министри **Х. М. Носиров**, Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти ва тошйўллар министри **Н. К. Қаюмов**, Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри ўринбосари **И. К. Бородавко** ўртоқлар иштирок этдилар.

(Актив йиғилиши ҳақидаги батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида босилади).

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Шаҳарлик меҳнаткашлар дастурхонига мўл-кўл сабзавот етказиб бериш иштиёқида меҳнат қилаётган деҳқонлар эртаги ҳосилларини етилтириб, пешма-пеш йиғиштириб олмоқдалар.

Калинин районидаги Ильич номли колхоз сабзавоткорлари ҳам ана шулар жумласиндадир. Ҳозир хўжаликнинг кўпчилик илғор бригадаларида эртаги экинлар ҳосили жадал йиғиштириб олиниб, шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

Тоштемир Жўраев бошчилик қилаётган пешқадам бригада деҳқонлари қутараётган хирмон ғўпчиқа баракали бўлмоқда. Улар беш йилликнинг учинчи йилида ҳар гектар ердан камида 24 тоннадан карам ҳосили оламиз, деб ваъда беришган эди. Шу кунларда йиғиштирилаётган ҳосил ана шу мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишидан далолат бериб турибди.

Бу бригадада карам ҳосили бошқа бригадаларга нисбатан анча барвақт етилди. Бунда меҳнатсевар колхозчилардан Р. Олимов, Х. Назаров, А. Маъриев, Р. Ҳакимов сингари ўртоқларнинг салмоқли ҳиссаси бор.

Деҳқонлар эртаги картошка ҳосилини йиғиштириб олишни ҳам бошлаб юборишди. Бу эниндан олинаётган ҳосил ҳам баракали бўлаяпти.

М. АФЗАЛОВ.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАН

Пахтачиликнинг ривожланиши кўп даражада унинг механизация даражасига боғлиқ. У қанча юксак бўлса қишлоқ хўжалик экиларидан шунча кўп ҳосил олинади, уларнинг таннархи арзон бўлади.

Бунн яхши тушунган областимиз қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари коллективлари колхоз ва совхозларни қудратли техника билан кўпроқ таъминлашга, чиқарилаётган машиналарни такомиллаштиришга ҳаракат қилишмоқда. Яқинда қатор коллективлар қишлоқ хўжалиги учун машиналар ва уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан ташаббус билан чиқдилар. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети бу ташаббусни маъқуллади.

1968 йил учун қўшимча социалистик мажбуриятлар олган шундай коллективлар орасида заводимиз аҳли ҳам бор. Биз йиллик пландаги 33 мингтадан ташқари яна 100 та трактор прицепи, 50 та автоприцеп, автомобиллар учун 14,6 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ва бошқа маҳсулотларни тайёрлашга, ишлаб чиқариш маданиятини оширишга аҳд қилдик.

Коллективимиз ўз сўзининг устидан чиқиш учун аввало барча резервлардан унумли фойдаланиш юзасидан қизғин иш олиб бормоқда. Шунинг учун ҳам қайси цех, участка ёки бўлимга кирманг фидокорона, ижодий меҳнат гувоҳи бўласиз. Ҳамма ишчилар, инженер-техник ходимлар эл-юрт олдида берилган ваъданинг тўла уддасидан чиқиш учун ғайрат-шижоат билан ишлаяпти, барча имкониятлардан тўла фойдаланишга интилишяпти.

Жумладан, механизация бўлими коллективи ҳам бутун билим ва тажрибаларини ишга солиб, корхона ишлаб чиқаришига барака киритиш мақсади билан изланиш олиб бормоқда.

Оғир қўл меҳнатини механизация зиммасига юклаш, кўпгина жараёнларни такомиллаштириш, қолоқ участкаларни бартараф этиш, серунум машиналарни ўрнатиш каби қатор муҳим тадбирларни бирин-кетин амалга оширишяпти. Бу тадбирлар эса ўз навбатида маҳсулот таннархини арзонлаштириш, сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини оширишга ижобий таъсир қилмоқда.

Ана шу борада кейинги вақтларда энг диққатга сазовор ишлардан бири — прицепнинг икки ён бортини тайёрловчи механизациялашган участкаснинг ташкил этилгани бўлди. Илгари ён бортлар бошқа корхонада тайёрланиб келтириларди. Уни ташиш билан доимо диспетчер ва икки автомашина банд эди. Бирор сабаб билан бортлар тайёр бўлмаса, ўша куни графигимиз бузиларди.

Бундай воқеалар эса ўша вақтда тез-тез бўлиб турарди. Завод ишга тушган дастлабки пайтларда ишчи кучининг етишмаслиги сабабли бортларни бошқа жойда тайёрлаб келтиришга мажбур бўлинган эди. Бўлим ходимлари сим тўрли ён бортларни корхонада тайёрлашни йўлга қўйишга киришди. Буинг учун тайёргарлик кўрилди. Кўп жараёнлар техника елкасига юкланган юксак механизациялашган махсус участка ташкил этилди. Бортнинг конструкциясига бироз ўзгартиш киритилди. Илгари сим тўрлар бортга болт ёрдамида биркитилар эди. Энди карбонад ангидрид газн воситасида пайвандланадиган бўлди.

Натижада ҳаракат кам, иш мустаҳкам, пишиқ бўлмоқда. Ўрта ҳисобда ҳар бир борт илгаригига нисбатан деярли 4 сўм арзонга тушмоқда. Ҳар йили ўн минглаб прицеплар чиқарётган коллективимиз фақатгина шу тадбир туфайли юзларча минг сўмлик иқтисодий самара кўрмоқда.

Ишлаб чиқарилаётган прицеплардан хорижий мамлакатларга тобора кўпроқ жўнатиляпти. Кейинги йилларда чет давлатлардан кўплаб буюртмалар оляпмиз. Маҳсулотимизга бўлган катта қизиқиш уни ишлаб чиқаришни кучайтириш қатори сифатини янада яхшилашни талаб қилади, албатта.

Шу мақсадда экспорт участкасини кенгайтирдик. Бу участкада кўп меҳнат талаб қиладиган операциялар енгиллашди. Янги ускуналар билан қуроллланган йигув стендлари ўрнатилди. Юк кўтарувчи кран-балкаларнинг сони ва қуввати оширилди. Унумли ва қулай бўяш камераси қурилди. Механизациялашган конвейерли экспорт участкасини ташкил этиш коллективимизга 48 минг сўмликдан кўпроқ фойда берди.

Инженер-конструкторлардан К. Чен, Р. Исломов, В. Резников, М. Гудзеннес каби ўртоқлар бу ва бошқа шу каби қатор тадбирларни амалга оширишда етакчилик қилишди. Меҳнат самарадорлигининг ўсиши, маҳсулот сифатининг яхшиланиши ҳисобига корхонамиз бултур 450 минг сўм фойда кўрган эди. Бу йил эса иш жараёнларини механизациялашга қаратилган камида 20 та тадбирни амалга ошириш мўлжалланяпти.

Бундан кейин ҳам ишлаб чиқариш процессларининг механизация даражасини тинмай ошириш режаларини тузиб қўйганмиз. 1967 йилда у барча операцияларнинг 66 процентини ташкил этган бўлса 1970 йилга бориб 78,6 процентгача етади. Ўшанда маҳсулот ишлаб чиқариш янада кўпаяди, сифати яхшиланиб, таннархи арзонлашади. Энг муҳими меҳнат шаронти яхшиланади, ишчиларнинг ўз ишидан моддий манфаатдорлиги ортади. Бу беш йиллик план топшириқларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

В. СОРОКИН,
«Ташавтомаш» заводи механизациялаш бўлимининг бошлиғи.

Д. ГАТАУЛИН.

МЎЛ ҲОСИЛ ИШТИЁҚИДА

Уста деҳқон ва моҳир механизатор Абдураҳмон Бўриев бошчилик қилаётган звено Янгийўлдаги Карл Маркс номли колхоза ҳам ҳосилдорлик жиҳатидан, ҳам бошқа иқтисодий кўрсаткичлар жиҳатидан пешқадамликни қўлдан бермай келаётир.

Юбилей йилида звено аъзолари «оқ олтин» ҳосилдорлигини пландагидан анча ошириб, 30 центнерга етказишган, пахтанинг асосий қисмини «зангори кема»лар билан йиғиштириб олишган эди.

Бу йил тагин ҳам юксакроқ марраларни эгаллашга, ҳосилдорликни гектар бошига яна камида 2 центнер оширишга бел боғлаган деҳқонлар об-ҳаво қийинчиликларини енгиб, барча майдонларда кўчатни бутлаб олмоқдалар. Ғўза парвариши кун сайин қизитилмоқда.

Бегона ўтларни йўқотиш, ҳашаротларни қириш ва бошқа дала ишларида Ҳолмат Собиров, Дўстмуҳаммад Ҳолхўжаев, Арофат Суннатуллаева каби колхозчилар ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Т. ТУХЛИБОЕВ.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети атоқли ўзбек совет адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Абдулла Қаҳҳорнинг** узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1968 йил 25 майда вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ | УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ХАЛК КОНТРОЛИ

КЎМАКДОШЛАР

Деҳқонларимиз халқ назоратчиларини фидокорлар, деб таърифлашади. Ҳақ гап. Кўптармоқли ҳўжалигимизнинг қайси бир соҳасини олиб қараманг, у ерда ишни ташкил этиш, меҳнатни яхши йўлга қўйишда назоратчиларимиз фаол қатнашадилар.

Халқ назоратчилари ўз ишларини ўйлаб тузилган ва партия комитети томонидан тасдиқланган план асосида олиб борадилар. Ҳар бир соҳа бўйича постлар тузилган бўлиб, уларга тадбиркор, ҳозиржавоб, ишнинг кўзини биладиган коммунистлар бошчилик қиладилар.

Жумладан, Ким Сергей Никитич бошлиқ пост аъзолари деҳқончилик ишларининг боришини назорат қиладилар. Улар кўклам экиш кампаниясини пухта ўтказишга муносиб ҳисса қўшдилар. Ер ҳайдаш, уни экишга тайёрлаш, техникани мавсумга созлаш ишлари ҳамиша назоратчилар эътиборида бўлди.

Хайрулла Ҳусанов бошлиқ пост аъзоларининг иши ҳам диққатга сазовордир. Бу пост зиммасига энг муҳим вазифа — механизациядан фойдаланишнинг намуналя йўлга қўйилишини кузатиб бориш топширилган. Пост аъзоларининг ташаббуси билан бир неча ибратли тадбирлар кўрилди. Нефть базасида ёқилғи ва ёнилғиларни тежаш юзасидан текшириш ўтказилиб, баъзи бир исрофгарчиликларнинг олди олинди. Машиналарга ёқилғи солиш механизациялаштирилди. Натижада бир неча юз килограмм бензин иқтисод қилиб қолинадиган бўлди.

Назоратчиларнинг хушёрлиги туфайли айрим жиноятларнинг олди олинди. Экспедитор Ким Тю-Нам ўзига биркитилган машинадан шахсий мақфаати йўлида фойдаланишни одат қилиб олган эди. Бу нотўғри хатти-ҳаракат фош қилиб ташланди. Ким Тю-Нам вазифасидан четлаштирилди.

Халқ назоратчилари навбатдаги рейдлардан бирида шоферларнинг автомашиналардан қандай фойдаланаётганликлари билан ҳам қизиқдилар. Текширишда баъзи бир шоферларнинг ўз вазифаларига сидқидилдан қарамаётганликлари, машиналарни ўз вақтида техника назоратидан ўтказмаётганликлари, яхши созланмаган машиналар билан йўлга чиққанликлари аниқланди. Айниқса Цой Иван, Хван Анатолий сингари шоферлар машина ҳайдашда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмай қўйганлар. Шу туфайли ҳам уларга биркитиб қўйилган машиналар барвақт ишдан чиқиб қолаёзган. Назоратчиларнинг талаби билан айбдорларга тегишли чора кўрилди. Эҳтиёт қисмлар улар ҳисобидан ундириб олинди.

Тежамкорлик соҳасида қилинаётган ишларда ҳам назоратчиларнинг муносиб ҳиссаси бор. Ўтган йили колхоз бўйича канап етиштириш учун ажратилган маблағдан 1110 меҳнат куни тежаб қолинди. Ҳар бир меҳнат кунига 3 сўм 40 тийиндан тўғри келди.

Колхоз партия ташкилоти назоратчиларнинг фаолиятини ҳар тарафлама кучайтириш учун уларга ўз вақтида тегишли ёрдам кўрсатиш учун ҳаракат қилмоқда. Ўтган давр ичида партия комитети мажлисида халқ контроли группасининг фаолияти икки марта махсус муҳокама қилинди. Назоратчиларнинг ўз олдиларига қўйган вазифаларни қандай бажараётганлари ҳақида пост бошлиқари ҳисобот бердилар. Илғор назоратчиларнинг тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди.

Колхоз правленнеси ва партия ташкилоти энг яхши жамоатчи назоратчиларни рағбатлантиришга ҳам эътибор бериб келмоқда. Халқ контроли органларининг 50 йиллиги муносабати билан бир неча назоратчи қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланди, раҳматномалар эълон қилинди. Булар орасида Ҳолмат Дўсимбоев, Маҳамад Аҳроров, Мен Розалина, Жумабой Рўзибоев, Эргаш Қўчқоров, Ўроз Тўрабеков каби ўртоқлар бор.

Халқ контроли фаолиятида нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Биз назорат ишлари барча соҳаларни тўлиқ қамраб олаяпти деб айтолмаймиз. Кўклам экиш кампанияси муносабати билан назоратчиларнинг фаолиятини янада активлаштириш зарур. Партия комитети ана шуни ҳисоба олиб, барча зарур тадбирларни амалга оширади. Назоратчиларимиз ҳар соҳада, ҳар бир тадбирни сифатли ва изчиллик билан амалга оширишда колхоз правленнеси, партия ташкилотига яқиндан ёрдам берадилар.

Ш. УТЕБОЕВ,
Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхози партия комитетининг секретари.

ТАКЛИФЛАР АМАЛДА

Тежамкорлик ва маҳсулот сифати учун кураш юзасидан бошланган ҳаракат тобора оммавий тус олмоқда. Ихтирочилар, рационализаторлар янгиянги таклифлари билан чиқмоқдалар.

Бу соҳада областдаги темирбетон буюмлари заводларида ҳам кўпгина ишлар қилинди. Яқинда халқ назоратчилари ана шу корхоналарда бажарилган ишларга якун ясадилар.

Натижада ўтган йилнинг тўртинчи кварталида ва 1968 йилнинг «биринчи кварталида тежамкорлик юзасидан қимматли тадбирлар амалга оширилди, ҳозирги кунга қадар ҳаммаси бўлиб 144 таклиф жорий этилди. Натижада 273 минг сўмлик маблағ тежаб қолинган.

Шунингдек, ихтирочилик ва тежамкорликни кучайтириш юзасидан бошқа кўпгина тадбирларнинг ҳам кўрилиши туфайли қанчадан-канча маблағ иқтисод қилинди. Айниқса, 8-Оҳангарон, «Алмаликсвинецстрой» қурилиш трестига қарашли корхона ва Бектемирдаги темир-бетон буюмлари заводи коллективлари бу соҳада ибратли иш қилмоқдалар. Лекин, бу борада камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан Янгийўл ва Чирчиқдаги темир-бетон буюмлари заводларида новаторлар томонидан тушаётган таклифлар пухта ўрганилиб, ўз вақтида амалга оширилмаяпти.

Область халқ контроли комитети текшириш якунларини юқорида қайд қилинган темирбетон буюмлари заводлари раҳбарлари иштирокида муҳокама қилди.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

БИНОКОРЛАРГА ҒАМХЎР БЎЛАЙЛИК

Областимиз бинокорлари бешинчиликнинг учинчи йилида зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар. Улар қўли билан янгиқ саноат корхоналари, турар-жойлар, маданий-маиший бинолар бунёд этиляпти.

Хўш, қурилиш майдонида зўр жасорат кўрсатиб меҳнат қилаётган бинокорларга қандай маданий-маиший шароитлар яратиб берилган?

Яқинда область халқ контроли комитети «Алмаликсвинецстрой», «Узбекшахтострой» ва Чирчиқдаги 160-қурилиш трести бинокорлари истиқомат қилаётган ётоқхоналардаги маданий-маиший аҳвол билан танишди.

«Ўзбекшахтострой» трестига қарашли 1-ётоқхонада шу пайтгача кир ювиш, қуритиш ва дазмоллаш хоналари, ишчи кийимларини сақлайдиган махсус жойлар ташкил этилмаган. Аптечка, изолятор, дазмол, холодильник каби кундалик зарур рўзғор буюмлари йўқ. Бутун ётоқхона учун атиги битта 6 литрли «титан» ажратилган, холос. Уч ойдирки, телевизор ва радиоприёмниклар ишламайди. Қизил бурчак ва дам олиш хонаси жиҳозланмаган.

Умумий овқатланиш ташкилотлари ишида ҳам жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Озиқ-овқатларни сақлаш тартиби бузилган. Тайёрланаётган овқатлар икки-уч хилдан ошмайди. Буфет ва ошхоналарда идиш-товоқлар етишмайди. «Алмаликсвинецстрой» трестига қарашли 1-ётоқхона буфетида бор-йўғи 9 та тарелка, 6 та стакан, 4 та вилка, 25 та қошиқ мавжуд, холос.

Оҳангаробдаги 1-ётоқхона учун хизмат қилаётган 16 ўринли ошхонада ҳам атиги 30 та тарелка, 11 та қошиқ бор. Ваҳоланки, бу ётоқхонада 377 бинокор истиқомат қиляпти. Бунинг устига ошхона ва буфет шанба ва якшанба кунлари доимо берк туради. Область ва шаҳар санитария-эпидемия станциялари умумий овқатланиш корхоналари иши устидан пухта назорат ўрнатмаган.

Область халқ контроли комитети мавжуд камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этишга қаратилган муҳим тадбирлар белгилади.

ВАЪДА ВАФОСИ БИЛАН

Тошкент пахта тайёрлаш трести ва 6-қурилиш трести бу йил «Узбекистон ССР беш йиллиги» тайёрлов пункти территориясида пахта заводи ва Кетмонтепа территориясида тайёрлов пункти қуриб фойдаланишга топшириш мажбуриятини олишган.

Лекин, бу объектларда олиб борилаётган қурилиш ишлари ҳозир сифат жиҳатдан ҳам, суръат жиҳатдан ҳам талабга жавоб бермаяпти. Пахта заводи қурилиши учун бу йил 167 минг сўм капитал маблағ ажратилган. Аммо I-квартал давомида атиги 47 минг сўмлик иш бажарилди, холос.

Кетмонтепада қурилаётган тайёрлов пунктида ҳам ишлар ниҳоятда сустлик билан боряпти. Бу ерда қурилиш ишлари 1 квартал плани атиги 70,6 процент бажарилган. 1968 йил давомида сарфланиши лозим бўлган 358 минг сўмлик маблағдан 1 кварталда бор-йўғи 48 минг сўмлиги ўзлаштирилди.

Область халқ контроли комитети йиғилишида қурилишни ускуна ва материаллар билан таъминлашга лоқайдлик билан қараган пахта тайёрлаш трести бош инженери Н. Михайлов жиддий огоҳлантирилди. Икки ҳафта ичида буюртирилган ускуна ва пахта заводи қурилиши учун зарур бўлган барча қисмлар етказиб бериш масаласини ҳал қилиш вазифаси топширилди.

МАДАНИЙ САВДО УЧУН

Бекобод район матлубот жамияти қишлоқ аҳолисига ғўза парвариши даврида намунали савдо хизмати кўрсатиш бўйича конкрет тадбирлар белгилашга белгилади-ю, аммо бу тадбирларни амалга оширишга келганда ҳеч қандай иш қилмади. Натижада қишлоқда савдо оборотн пасайиб кетди.

Назоратчилар текширган кунн Навоий номли, Дзержинский номли, «Победа» колхозлари, 1 ва 2-«Далварзин» совхозлари новвойхоналари ишламаган. Кўпгина магазинларга нон ва булка маҳсулотлари вақтида етказиб берилмаган.

Савдо обороти планнинг бажарилмаслиги ва савдо маданиятининг пасайиб кетганлигига сабаблардан бири шуки, магазинлар ўз вақтида очилмайди. Айниқса хўжалик ва саноат моллари билан савдо қилувчи магазинлар ўз вақтида иш бошламайди.

Барча озиқ-овқат магазинлари ва дўконлар учун умумий бўлган камчилик яна шундан иборатки, бу савдо тармоқларида гўшт, балиқ, сабзавот ва мева консерваси хиллари ниҳоятда кам. Сут ва сут маҳсулотлари магазинларда камдан-кам топилади.

Бу маҳсулотлар омбор ва базаларда йўқ дейсизми? Бор! Омбор ва базалардан 1 кварталда район матлубот жамияти учун ажратилган 29 тонна балиқдан 2 тоннаси, 18 минг балиқ консерваси банкасидан 500 таси олиб кетилган, холос.

Райондаги умумий овқатланиш ташкилотлари иши ҳам қониқарли эмас. Барча ошхона, буфет ва кафелар якшанба кунлари ишламайди. Умумий овқатланиш корхоналарида санитария режимига риоя қилинмайди. Область матлубот жамияти районда содир бўлаётган бундай аҳволга чек қўйиши ва барча магазинларни фонддаги маҳсулотлар билан таъминлаш тадбирларини кўрмоғи лозим.

Дил чироғи

Ғарифулла ота иш хонасига эндигина кириб ўтирган эди, эшик очилди. Рўпарасида 12-цех электромонтёри Леонид Климов турарди.

Ҳар доим хушчақчақ Леня бугун негадир асабий кўринарди. Нимадандир хафа бўлиб ранжиган-у, Ғарифулла отанинг олдига келган. Бироқ, ота билан кўришгач, кўнглидаги гапини айтолмай, анчагача жим бўлиб қолди.

— Айтавер, — деди Ғарифулла ота йигитни стулга ўтказиб, — нима гап, тинчликми ўзи?.. Ёки цехда бирор кўнгилсиз воқеа юз бердими?

— Йўқ-йўқ, — деди йигит, — завод ошхонаси хизматидан норозимиз. Мени бу ерга цехимиз ишчилари юборишди. Ошхонага қачон кирмайлик, бир хил овқат: шўрва, котлет, бунинг устига овқатларнинг маза-матраси йўқ. Шу туфайли ошхонага кирмай қўйдик...

Радиодеталь заводи халқ контроли группасининг раиси Ғарифулла ота Насруллаев ошхонада маза-матрасасиз, бир хилдаги овқатлар тайёрланаётганлиги ҳақида бошқа ишчилардан ҳам шикоятларини эшитган эди. Бугун эса Леонид Климов ҳам кўпчилик номидан арз қилиб келибди.

Уларнинг эътирозлари ҳақли. Тезда чорасини кўриш керак. Ғарифулла ота Климовнинг кўнглини кўтариб, хушмуомалалик билан уни кузатиб қўйди. Йигит чиқиб кетгач, дарҳол завод партия комитетининг секретари В. П. Чеснаковга учрашди. Ошхона хизмати талабга жавоб бермаётганлигини, у ердаги аҳволни айтиб, текшириш зарур, деган таклифни ўртага ташлади. Партком секретари ҳам бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Ўша куннинг ўзидаёқ халқ назоратчилари Жамил Қаландаров, Ася Дмитриева, Мария Мозалевалардан иборат рейд бригадаси тузилди. Текширишни бошлашдан олдин ишни ўзаро тақсимлаб олдилар. Назоратчилардан бир киши ошхонада санитария-гигиена қондаларига қандай риоя қилинаётганлигини, бир киши эса механизациядан фойдаланишнинг йўлга қўйилишини, яна бир киши овқатлар тайёрлашда калкуляцияга риоя қилиняптими, йўқми, ана шуларни текширишни зиммасига олди.

Ишчиларнинг шикоят қилишганича бор экан. Ошхонада овқатларнинг хили кам. Котлет ва шўрвалар лаборатория анализидан ўтказилганда уларда калкуляциядаги масалаларнинг йўқлиги баралиниб қолди. Назоратчилар бош ошпаз Қобил Халиловни ўртага олиб роса уялтиришди. У нима дейишни билмай, уялганидан ерга қараб турарди.

Ошхонада йўл қўйилаётган камчиликларни тўла тугатиш учун, — деди ошхона мудири Д. Содиқов, — маъмурият ёрдамига муҳтожмиз, анчадан буён канализация ишламайди. Холодильник установкалари базъида ишласа, базъида бекор туриб қолади. Электр жиҳозлари етишмайди. Шу туфайли ҳам қайнатилган сув вақтида етиб келмайди. Бу ҳақда завод раҳбарларига бир неча бор айтдик, лекин улар ваъдадан нарига ўтишмаяпти.

Насруллаев бошлиқ халқ назоратчилари текшириб кўришса ҳақиқатан ҳам ошхона мудирининг айтган гаплари тўғри. Шундан кейин улар гапни бир ерга кўйишдилар. Завод раҳбарлари ва халқ назоратчилари ҳамда ошхона хизматчилари иштирокида умумий йиғилиш чақиришга қарор қилинди. Йиғилишга Октябрь район ошхоналар трести бошлиғининг ўринбосари Абдужабборова ҳам таклиф этилди.

Йиғилишда биринчи бўлиб Ғарифулла ота Насруллаевнинг ўзи сўзга чиқди. У завод ошхонасида йўл қўйилган камчиликларни фирма-бир санаб, ошхона хизматчилари ва ошпазларга қатъий талаб қўйди. Ошхона раҳбарлари сўзга чиқиб, танқидни тан олишди. Овқатларнинг хилини кўпайтириб, уларнинг мазасини яхшилашга сўз беришди. Бунинг учун завод раҳбарларининг ҳам ёрдами керак, деб айтишди.

Шундан сўнг завод директорининг ўринбосари Е. А. Шаевич, завод касаба союзлари комитетининг раиси П. С. Кабановлар ҳам кўпчилик олдида сўзга чиқиб, ошхона ишини яхшилаш учун нималарни зарур бўлса, ҳаммасини муҳайё қилишга ваъда беришди...

Ўшандан буён анчалик кўп вақт ўтгани йўқ. Ошхона хизматини яхшилашда сезиларли ўзгаришлар бўлди. Бу соҳада назоратчилар ва шахсан Ғарифулла отанинг ўзи ташаббус ва ғайрат кўрсатиб ишламоқда. У мажлис қарори ва белгиланган тадбирларнинг қандай бажарилаётганлигини кузатиб боради.

— Ўша йиғилишда, — дейди ота, — бош ошпаз Қобил Халилов икки қўлини кўксига қўйиб, «энди бундан буён овқатлар мазали бўлади, турлари кўпаяди», деб ваъда берган эди. Бироқ, у, сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлган экан. Яна эскичасига ишлайверди. Биз ҳам бўш келмадик. Халилов ишдан олиб ташланди. Унинг ўрнига янгидан тайинланган Алимов ишчиларга манзур бўладиган таомлар тайёрлаш учун ҳаракат қилмоқда.

Дарҳақиқат, назоратчиларнинг қатъий талаби ва қистови билан завод ошхонаси иши бирмунча яхшиланди. Бу ерда ярим фабрикат озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳам йўлга қўйилмоқда. Ишчиларга олдиндан арзон нархда овқатланиш учун чек сотиб қўйиш кўпчиликка маъқул бўлаётир.

Халқ контроли группаси ўз ишини завод олдида турган вазифалардан келиб чиққан план асосида олиб боради. Ҳозир халқ контроли группасининг 270 аъзоси бор. Ҳар бир цехда назорат группалари ва постлар ишлаб турибди. Уларнинг асосий эътибори корхонада ишлаб чиқаришни бир меёрда йўлга қўйиш, моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, план ва мажбуриятларнинг ортиғи билан бажарилишини таъминлаш, маҳсулот сифатини тобора яхшилаш, бунинг учун эса ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини ўз вақтида ишлаб чиқаришга жорий қилинишига эришишга қаратилгандир.

— Яқинда, — дейди Насруллаев, — завод цехлари бўйича ишчиларга иш ҳақи ёзиш ва тўлаш қандай йўлга қўйилганлигини ҳам текширишдан ўтказдик. Бу соҳада айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди.

Халқ контроли группаси иш планида корхонада меҳнат шароитини ҳар тарафлама яхшилаш, ишчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни ҳозирги талаблар даражасига кўтаришга оид яна бир қанча масалалар бор.

Назоратчилар бир неча йил комсомол ва партия раҳбарлиги ишларида меҳнат қилиб, катта ҳаётий тажриба орттирган, республика аҳамиятидаги пенсионер, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Ғарифулла ота Насруллаев раҳбарлигида янгидан-янги режаларни амалга ошириш учун курашмоқдалар. Ота коллективнинг дилчироғи бўлмоқда.

Н. РИХСИЕВ.

НАЗОРАТЧИЛАР ЁЗАДИЛАР

«АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИ»МИ?

Навоий номли колхоз Оққўрғон районидаги энг йирик хўжаликлардан бири. Колхоз қишлоғида янгиянги уй-жойлар ва маданий-маиший бинолар қурилиб обод бўлиб бормоқда. Бу ерда уч участка бор. Лекин, шулардан биргина участкада болалар боғчаси ва ясли мавжуд. Қолган икки участкада эса боғча ва ясли қуриш икки йилдан бери ваъдадан-ваъдага илиниб келмоқда. Биринчи участкада яшовчи аёллар ўз фарзандларидан хотиржам бўлиб далада баракали меҳнат қилишса, қолган икки участкадаги хўжалик, аъзоларининг ҳаёли болаларида бўлади.

Хўш, ўғай участканинг ўғил-қизлари қачонгача кўчада тупроқ ўйнаб, раҳбарлар ваъдасини қўшиқ қилиб айтиб юришади?

В. ТОШХЎЖАЕВ,
1-участка аъзоси.

БИР ПОЧТАЛЬОН «ИХТИРО»СИ

Янгийўл районидаги «Москва» колхозининг Калинин участкасида 70 дан ортиқ хонадон истиқомат қилади. Колхозчилар ҳар йили ўзларини қизиқтирган газета ва журналларга обуна бўлишни канда қилишмайди. Бироқ, улар газета ва журналларни ўз вақтида ололмайдилар.

Шу участкага хизмат қилувчи почтальон А. Қўчқоров янги «ихтиро» яратибди. У газетани обуначиларга кундалигини кунда эмас, бир ҳафталигини бир кунда олиб бориш «метод»ини ишлаб чиқибди. Почтальоннинг бу «тажрибаси» район газетасида таърифлаб ҳам берилди. Лекин, бу гаплар на почта раҳбарларига, на «ихтирочи» Қўчқоровга таъсир қилди.

Биз кўпчилик қатори қачон газета ва журналларни ўз вақтида ўқий оламиз? Участка аҳолисининг бу ҳақли талабига ким жавоб беради?

Т. ОМОНОВ,
Ш. ИСКАНДИРОВ.

ТАШЛАНДИҚ КУЧА

Қўли гул бинокорларимизнинг ҳиммати билан пойтахт шаҳримиз кундан-кунга гўзал ва обод бўлиб бормоқда. Узоққа бормайлик. Яқиндагина кўримсиз бўлган Калинин майдонида ўзининг чиройи билан шаҳарликлар эътиборини тортадиган «Гулистон» ресторани, Ҳамза кўчаси охирида эса Ғафур Ғулом номли кинотеатр биноси қад кўтарди.

Бу яхши, албатта. Лекин, бирини тиклаб, иккинчисини бузиб кетиш методи кўпчиликни ранжитиб қўймоқда. Бу гал ҳам шундай бўлди. Кинотеатр қурилиши олиб борилаётган пайтда газ қувури ўтказиш учун Ҳамза кўчасининг қоқ ўртасидан чуқурлар кавланган эди. Тўғри, ёз бўйи чўзилган бу иш йўловчилар учун анча қимматга тушди. Улар, яъни шу кўчада яшовчи аҳоли Эскижува остановкасигача пиёда қатнашга мажбур бўлишган эди.

Мана, қурилиш ҳам тугади. Кинотеатр ишга тушди. Лекин, кўча ҳали ҳам илгариги ҳолатига келтирилгани йўқ. Пала-партиш, ўнқир-чўнқир қилиб кўмиб кетилди. Ҳозир бу кўчадан транспорт қатнаб турибди. Кўчанинг кўп жойлари ўнқир-чўнқир бўлганлиги учун транспорт учун ҳам, йўловчилар учун ҳам қийинчилик туғилмоқда.

Лекин шунга қарамай район ижроия комитети ва Тошкент йўллар қурилиши раҳбарларининг парвойи палак. Кўчани тузатиб беришга ҳеч ким бош қўшмаяпти.

Қ. МУҲАММАДЖОНОВ.

ИЗОҲЛИ ХАТ

АВТОБУСДАГИ ЖАНЖАЛ

Ўтган дам олиш куни Пискентга бормоқчи бўлиб, «99—76 ТШБ» номерли автобусга чиқдик. Автобус бир пастда йўловчилар билан лиқ тўлди. Шофёр билет берар экан:

— Бозор-ўчарларингни қилиб бўлгандан кейин, шу ерга тўпланиб турсаларинг, ҳаммангни яна жойларингга олиб бориб қўяман, — деди йўловчиларга.

Бу фикр ҳаммага маъқул тушди. У 40 тийиндан пул йиғиб олди. Лекин, 20 тийинлик билет берди. Бу ҳол кўпчиликни ғазаблантирди.

Кекса бир йўловчи ўрнидан турдида, шоферга қараб:

— Одамларга яхшилик қилмоқчи бўлганингиз учун минг раҳмат, аммо ҳар биримиздан 20 тийиндан олиб қолаётганингиз жиноят-ку! — деди жаҳл билан.

Унинг танбеҳини машинадагилар маъқуллашди. Шоферга бу гап ёқмади, у одамлардан автобусни бўшатишни талаб қилди. Йўловчилар ўртасида норозилик туғилиб, ола-говур кўтарилди...

Н. ИСМАТОВ,
Чапаев номли мактаб ўқитувчиси.

* * *

РЕДАКЦИЯДАН

Мазкур шикоятни редакция область автобуслар трестига текшириш учун юборди.

— Текширишда фактлар асосан тасдиқланди, — дейилади трест бошқарувчисининг ўринбосари ўртоқ Ф. Тошмуҳаммедов имзоси билан келган жавоб хатда. — «Пискент—XX партсъезд» маршрутида ишлаётган айрим шоферлар хатда кўрсатилганидек ножўя ҳаракатларга йўл қўйишган. Бунга сабаб — 122-автобаза раҳбарлари томонидан қатъий назорат ўрнатилмаганидадир.

Шофер Т. Тошмуҳаммедовнинг йўловчиларга нисбатан қилган қўполлиги, эгри қўллиги автобаза коллективи ўртасида жиддий муҳокама қилинди. У икки ойлик муддатга ишдан бўшатилди. Автобазанинг эксплуатация бўлими бошлиғи ўртоқ Солиев қаттиқ огоҳлантирилди. Автобусларнинг белгиланган графикда қатновини таъминлаш ва уларнинг иши устидан назоратни кучайтириш автобаза раҳбарларига ҳамда трестнинг контроль аппарати ходимларига топширилди.

ДОИМО ҲАРАКАТДА

Дурадгорлар бригадаси бошлиғи С. Ҳусниддинов, катта прораб Г. Костюк, меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи Л. Шиндина ўртоқлар ишдан кейин қўллари бўш қолди, дегунча қурилиш майдонларини, иш участкаларини кўздан кечиришга тутинадилар. Халқ контроли группасининг бу актив аъзолари ўтган ойларда бир неча рейд ўтказиб, йўл қўйилаётган нуқсонларни очиб ташладилар.

Улар навбатдаги рейдда Тошкент транспорт инженерлари институти профессор ва ўқитувчиларнинг фарзандлари учун қурилаётган боғча қурилишини текширувдан ўтказдилар.

Маълум бўлишича, бинокорлар шошмашошларликка йўл қўйганлар ва қатор технологик хатолар содир бўлган. Жумладан, пештоқ усти тўла-тўкис ёпилмаган. Пировардида, ёғингарчилик пайтида пардоздан чиққан пештоқнинг кўп жойларини ёмғир суви ювиб кетган. Вентиляция системасини монтаж қилишда ҳам бир қатор технологик камчиликларга йўл қўйилган. Бу нуқсон ҳам назоратчилар томонидан очиб ташланди. Сўнг улар 400 ўринли ётоқхона қурилишини ҳам кўздан кечирдилар.

Текширув якуни «Средазтрансстрой» трестининг 209-бошқармаси маъмуриятига маълум қилинди. Навбатдаги ишлаб чиқариш кенгашида бу сигнал кенг муҳокама қилинди. Сифатсиз ишлаётган бинокорлар танқид остига олинди. Прораб Барчуков ва мастер Астаховлар жиддий огоҳлантирилди.

Назоратчилар бинокорлик материаллари қай шароитда сақланаётганлиги билан ҳам қизиқмоқдалар, чунки ишнинг сифати кўпроқ хомашё сифатига боғлиқ бўлади. Бу соҳада ҳам улар йўл қўйилаётган камчиликларни аниқладилар. Айниқса марказий омборда бинокорлик материалларини сақлаш ёмон аҳвол да экан. Цемент ва алебастрлар зах хоналарда сақланиб, уларнинг сифати бузилган.

Текширувдан сўнг мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар белгиланди ва улар зудлик билан жорий этилди. Ҳозир материалларни сақлаш ва уларни қурилиш майдонларига етказиб беришга алоҳида эътибор билан қараляпти.

«Средазтрансстрой» трестига қарашли 209-бошқарма халқ назоратчилари фаолияти манаё шундай ранг-баранг. Назоратчилар ҳар бир текширув якунига бағишлаб, жанговар варақалар чиқараб туришади. Ҳозирги кунда улар бошқармада қурилиш механизмидан фойдаланиш қай даражада йўлга қўйилганлигини текширувдан ўтказмоқдалар. Навбатдаги рейдда эса маданий-маиший хизмат корхоналари иши билан танишадилар.

А. ПАРИМОВА,
халқ назоратчиси.

Бу йил ёғингарчиликнинг кўп бўлганлиги ғаллакорларимиз учун, айниқса, қўл келди. Қир ва адирларда яхши ишланган ерларга сепилган уруғ бир текис униб чиқди, гуркираб ўсди. Агар сиз шу кунларда адирларни айлансангиз бошоқлари бир текис дон олиб, денгиздек чайқалаётган ғаллазорларни кўриб завқланасиз.

Деҳқонлар бу йил эл хирмонига ҳар қачонгидан ҳам мўл-кўл дон ҳосили етказиб бериш учун пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Буни «Паркент» совхози ғаллакорлари мисолида яққол кўришингиз мумкин. Совхоз ғаллакорлари ҳар гектаридан ўтган йилдагига қараганда икки-уч центнердан кўп ғалла етказиб бериш учун курашиб ўрим-йиғимга пухта шайланмоқдалар.

Бу соҳада халқ назоратчиларининг ҳам ҳиссаси бор. Улар яқинда ўтказган рейдларида звеноларда ўрим техникаси ишга қандай созланганлигини текширдилар. Аниқланган камчиликларни тугатиш юзасидан зарур тадбирлар кўрилмоқда.

Фотомухбиримиз А. Абалян пленкага туширган мана бу суратда халқ контроли группаси раиси Б. Оғажонов (ўнгдан) ва назоратчи М. Мирисломов ўртоқларнинг совхознинг А. Умаров бошлиқ звеносида ўзиюрар комбайн қандай ремонт қилинганлигини текшираётганликлари акс эттирилган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИК АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ

ҚАЙТИШ

Тожик опера санъати йил сайин ривожланиб бормоқда. Улар Ўзбекистонда ўтказилаётган декадага «Қайтиш» операсини олиб келдилар. Бу асар тожик саҳна санъатида муҳим роль ўйнаган забардаст асарлардан биридир. Бош ролларни Тожикистонда хизмат кўрсатган артист А. Абдурауфов ва артист З. Аминова ижро этган. Ниҳоятда ҳаяжонли кўринишлар тошкентлик санъат ишқибозларида катта қизиқиш уйготмоқда. Суратда: Зоҳир ролида — Тожикистонда хизмат кўрсатган артист А. Абдурауфов, Санобар ролида — артист З. Аминова.

И. Душкин ва Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ).

Ўзбекистонда зўр муваффақият билан ўтаётган тожик маданияти декадасининг кинофестивали ёш истеъдодли режиссер Тоҳир Собировнинг янги бадиий фильми, «Хиёнат» кинодрамаси билан очилди.

Бу асар фильмдан фильмга ўтиб камол топиб бораётган умидли режиссёр ижодида бақувват, жиддий бир қадам бўлиб, санъаткор ўйлаган кинотрилогиясининг иккинчи қисмини ташкил этади. Биринчи қисм «Судхўрнинг ўлими» фильми бўлиб, томошабинларимизга яхши таниш. Т. Собиров кейинги фильмларининг асосини бақувват бадиий асарлар замирига қураяпти. Ўзбек ва тожик совет адабиётининг нурли сиймоси Садриддин Айний классик қиссасидаги қуйма образлар Т. Собиров фильмида чинакам кинематографик талқинларини топди. Мазкур фильмдаги қори ишкамба образи талантли актер Зоҳир Дўсматов ижросида мукаммал ифода этилди. Фильмдаги воқеаларнинг фонига Бухоро музаффотида революция арафасидаги муҳим ва вазият асос қилиб олинди. Ўша даврда зулмга, адолатсизликка, судхўр сиймосида мужассамлашган жамики кабиҳ одамларнинг жабрига қарши халқнинг бош кўтарабошлаши акс этилган бу фильм ҳам тарихий, ҳам қоявий жиҳатдан «Хиёнат» фильмининг биринчи босқичи, кинотрилогиянинг дебочасидир.

«Хиёнат» фильмидаги воқеалар ҳам Бухоро яқинида ўтади. Бундаги қаҳрамонлар ёш Бухоро республикасини босмачилар ҳамласидан ҳимоя қиладилар, ана шу оғир жангу жадалларда ким содиқ у, ким хоинлиги аниқланади. Революция воқеаларига муносабат, Қизил Армияга, халқ манфаатларига садоқат инсон қалби ва ниятларининг софлигига мезондир.

Фильм сценарийсини режиссёр Тоҳир Собиров ёзувчи Жалол Икромий ва кинодраматург Игорь Луковский билан ҳамкорликда яратди. Сценарийга Жалол Икромийнинг романи асос қилиб олинди, ундаги воқеалар ҳам Бухорода, революциянинг дастлабки кунларида рўй беради. Воқеалар конкрет тарихий фактлар асосида бўлиб, образлар ана шу муҳит оқимида шаклланиб борадилар. Инсон ва жамият муаммоси асарнинг марказида туради.

Қизил қўшин отрядларидан бирига командирлик қилаётган Асад комиссар сафарнинг босмачилар билан шубҳали муносабатда бўлгани ҳақида хабар топади. Қўққисдан босмачиларга дуч келган қизил аскарлар отряди катта талафот кўради. Асад бунинг айбдори Сафар дея, уни судсиз отиб ташлайди. Трибунал бу ўзбошимчалиги учун Асадни ўлимга ҳукм қилади. Ҳукм ижро қилиниш олдида трибунал қарори бекор қилингани ҳақида хабар келади. Сафарнинг ёнидан босмачиларга қурол бериш ҳақида қоғоз чиққан эмиш. Асад ўлимдан қолади, каттароқ махсус отрядга бошлиқ қилиб тайинланади. У шон-шуҳрат дарёсида жавлон уради. Ҳийла ишлатиб, Жаббор қўрбошини отряди билан қўлга туширади. Мукофотлар олади, яна кўтарилади. Жасоратлар кўрсатади. Лекин секин-аста пинҳон иш кўраётган душманлар Асаднинг худбинлигидан, шуҳратпарастлигидан маккарона фойдаланадилар. Уни аста-секин хоинлик йўлига бошлайдилар.

Айниқса маккор, ниқобли душман Гаффор, ревком аъзоси доғули Низомиддинлар унинг нуқсонларидан усталик билан фойдаланадилар. У ҳеч кимни писанд қилмайди, ишига тўғаноқ бўлаётган комиссар Шамкунасни ўлдиртириб юборади, майхўрликка берилади, ўзи ўлдирган Сафарнинг қизи Саодатга уйланади, унинг акаси—отасининг хоин эмаслигини яхши билган ягона инсон Каримни хўрлайди, азоблайди, қайнонасининг дод-фарёдларига раҳм қилмайди... Бу хатарли йўл пировардида Асад Махсумни шуҳратпарастликботқоққа тиқади, охири ҳалок қилади. Бу амалпараст, шуҳратпараст бир шахснинг фожиаси эди.

Ёш талантли актер Ҳабибулла Абдураззоқов экрандаги иккинчи жиддий образи (у «Судхўрнинг ўлими»да Бадриддин қиёфасида намоён бўлганди) Асад Махсумнинг зиддиятли, драматик томонларини моҳирона очиб беради. У умуман революция ишига содиқ, унинг идеалларига ишонади, аммо софдил коммунистларга шубҳа билан қарайди, жангларда жасурона курашади ю, ўзи душманлар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолаётганлигини сезмайди, у эътиқод қўйган Гаффорнинг кимлигини ўша ботқоққа ботганидагина билади. Актер санъатининг рангба-ранг воситалари, темпераменти бу образнинг кучли, таъсирли чиқишини таъминлаган.

Гаффор ролини таниқли тожик артисти Абуҳайр Қосимов яратган. Кўринишда мулойим, ақлли бу душман ичидан пишган, тадбирли, ваҳшиёна хирслар кони. У ўринли-ўринсиз мақтовлар, панду насиҳатлар, сирли режалар билан Асад Маҳсумни хоинлик йўлига бошлайди. Комиссар Сафарга туҳмат уюштирган ҳам, Шамкунаста заҳар берган ҳам, Каримни сарсон қилган ҳам, пировардида Асадни ўлдирган ҳам шунинг ўзи! Артист бу ғаламис одамнинг психологик ҳолатларини усталик билан яратади.

«ХИЁНАТ»

КИНО

Унинг ишларида кўмаклашган Низомиддин образи артист Олим Хўжаев талқинида ниҳоятда аниқ чиққан. Ревком аъзоси ниқобидаги бу жосус ҳам ярамас ишларини усталик билан олиб боради. Сўзларидаги илиқлик, кўзларидаги табассум унинг мунофиқ ишларига парда бўлиб ҳизмат қилади.

Иккинчи ўзбек артисти, ёш санъаткор С. Эргашев ҳақиқат изловчи, чинакам революционер, Асадга қарши курашган Каримнинг образини очиб берган. Ёш актриса З. Хасанова Саодатнинг мураккаб психологик ҳолатларини моҳирона очиб берган. У мажбуран отасининг қотили Асадга хотин бўлади, никоҳ куни уни ўлдирмоқчи бўлади, аммо уддалай олмайди, жабр-зулмдан тўйиб, бу нохус одамнинг кирдикорларини очиб ташлайди, уларнинг катта фитна тайёрлаётганини билиб қолиб, ЧКга хабар беради.

Фильмда яна бир қатор актерларнинг муваффакиятини таъкидлаш мумкин. Оператор Анвар Мансуровнинг кадрлари ниҳоятда аниқ, ифодали чиққан. Хусусан, фильмнинг саргузашт жанрига яқин бўлиши кадрлар ритмининг тез, жанг саҳналарининг таъсирли, драматик ҳолатларнинг ўткир бўлишини тақозо қилган. Оператор бу вазифани уддалай олган.

Кинокамера айниқса актерларнинг ҳаёвир образ ҳолатига мос кечинмаларини чуқур ва аниқ беради. Бунда режиссер билан операторнинг якдиллиги, бир-бирларини яхши тушунишлари яққол сезилади.

Т. Собировнинг бешинчи фильми баркамол асар. Ундаги воқеаларнинг ўткирлиги, фалсафий ғоянинг бадиий воситалар билан тиниқ ифода қила билиш, талантли актернинг имкониятларидан унумли фойдаланиш режиссернинг жиддий ютуғидир. Бу фильм ўзбеклар учун ҳам қадрдон лавҳаларни жонлантиради ва тарихий ҳақиқатни бадиий тўлақонли гавдалантиришни билан қимматлидир.

М. ЯХЕЕВ.

Суратда: «Хиёнат» фильмидан кадр.

ВОСЕ ҚАТЛИ

Мўмин ҚАНОАТ

Қаср.
Бу, шоҳнинг ёзги ишратхонаси,
Йўқ!
«Осий» бегуноҳлар қатлхонаси!
Соқчилар туришар арк айвонда,
Оломон тўпланган арк
майдонига.
Ўртада азм дор,
Восе турар шиддаткор.
Балжувон тоғига у боқару
таъзимкор,
Бошин эгиб, аста тупроқни
ўпар.
Ундан куч олгандай
Сўнг бошин кўтарар:
Гўёки шу пайт ҳамроҳ бўлар,
Тоғ унга:
Дор паст бўлар,
Шоҳ ҳайрон бунга...
Бу не ҳол?!
Амир жаллод дарғазаб.
Арк дейди,
Майдон дейди: «Воажаб!»
Таъзим ила сарбозлар
Шоҳ бувруғига,
Халқни қувар,
Ҳайдар чинор тагидан,
Бандини келтиришди унинг
тагига.
Диёр бўйи келар ундан
димоғига.
Чинор эди унга
Мисоли бир диёр —
Диёрдан келгандай садо
Гулизор...
Тонг келди гўё унинг
Ҳалқа бўйнига,
Тонг келди.
Пўлат занжир метиқ баданга.
Бунда узоқлашди банди
оёғидан.
Қара!
Чинор — чинорнинг ўпар
дудоғидан.
Кўзда қон қалқиб, амир қолди
бехабар;
Халқ бонг урди,
Уларни кутарди зафар!
Кўп эди унинг
Дўстлари,
Мададкори,
Ҳа, бугун Кўҳистоннинг
Ёшлиги баҳори!

Тожикчадан
Ашурали АҲМЕДОВ
таржимаси.

ОМОН БЎЛИНГ, ҚАРДОШЛАР!

Қардошларга очиб кўчоқ,
Ўзбек эли шод, ҳушчақчақ,
Биз яшаймиз мангу иноқ
Омон бўлинг, қардошлар!
Тожик халқи қондошимиз,
Ўртададир нон-ошимиз,
Чароғондир қуёшимиз,
Омон бўлинг, қардошлар!
Битта дарё сувин ичиб,
Бирга-бирга қўриқ очиб,
Бормоқдамиз давон ошиб,
Омон бўлинг, қардошлар!
Тожикистон чаманини,
Турсунзода ўланини,
Сиз намойиш этинг, қани,
Омон бўлинг қардошлар!
Ўз уйингиз каби кўринг,
Мард Тошкентда ўтар гурунг,
Фарғонада яйраб юринг.
Омон бўлинг, қардошлар!
Дўстлик унар юрак, ҳисдан,
Тотув тожик, туркман эстон,
Бағрин очди Ўзбекистон:
Омон бўлинг қардошлар!
Бизни апоқ-чапоқ этган,
Дўстлик йўлин порлоқ этган
Партияга раҳмат, дилдан!
Омон бўлинг, қардошлар!

Ю. ШОМАНСУР.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

УЗУМ МЎЛ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

Р. Р. Шредер номли мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтида ва Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлиб ўтган соҳибкорларнинг семинар-кўргизгида гиббереллин билан ишланган кишмиш навлари юқори баҳо олди.

Гиббереллин билан ишланган кишмиш ҳақиқатан ҳам эътиборга сазовордир. Гиббереллан-ган узум ширадор бўлади. Ўрта бошнинг оғирлиги бир килограммдан ортиқроқ келади. Соҳибкорлар кишмиш узум бошини шунчалик катталашганлигига жуда қизиқадилар, албатта.

Бунга қандай эришилади? Уруғсиз узум навларини гиббереллин билан ишлаш иқтисодий манфаатдорликни қанча оширади?

Гиббереллин ёки гибернал кислота — фузарноз мўғларни иши натижасида пайдо бўлган маҳсулотдир. Асосан, у саноатда ишлаб чиқарилади. Гиббереллин таъсир кучини бир йилгача йўқотмайди. (Уни қуруқ хоналарда сақлаш тавсия этилади).

Уни тайёрлаш учун эса порошок ҳолидаги бир грамм гиббереллинни 20 грамм этил спиртида ёки вино спиртида эритилади. Спирт бўлмаган тақдирда эса бир грамм гиббереллин 100 грамм 60—70 даражали носпирт сувда эритилиб, бу эритмани 10 литр совуқ сувга аралаштирилади. Агар 20 литрли «автомакс» пуркагичда сепиладиган бўлса, 17 литр сувга 1,7 грамм гиббереллин қолиниб эритилиши керак.

Эритмани одатда бир кечакундуз давомида ишлатиш лозим, унинг таъсир кучи акс ҳолда камаяди. Пуркашни эрталаб тонг саҳардан кундуз соат 10 ларгача ва кечқурун соат 6—8 лардан то кўз илғагунча сепиш мақсадга мувофиқдир. Катта майдонларда тўлиқ гуллашдан то ғужум туккунча ўтказилади.

Кичик майдонларда уни 2—3 марта пуркалса кифоя, бу ҳолда у гуллашдан 5—7 кун олдин, тўлиқ гуллаш вақтида ва гуллашдан 5—7 кун ўтгач сепилади. Пуркашни ҳар бир гул-тўпламида ўтказиб, бўлажак узум ғужумларини ҳар бирига сепилиши шарт. Фақат шундагина препарат томчилари теккан ғужумлар ўз ҳажмларини катталаштирадилар. Гиббереллин ўсимлик тўқималарига тез сингувчан бўлганлигидан 8 соат ўтгандан кейин ёққан ёмғир ҳам унинг таъсир кучини йўқотолмайди.

Шундай қилиб, гиббереллиннинг таъсир кучи гормонлар ролини бажариб, узум ғужумларни, банди ва бошларини катталаштиради. Препаратни фақат узумнинг уруғсиз навларига сепиш юқори кўрсаткич беради ва ҳосилнинг 2—3 баравар ошишига ёрдам беради. Қора кишмиш, оқ кишмиш, пушти кишмиш ва бошқаларда ана шундай ҳосил кўп бўлаётир. Оналик гулга эга бўлган узум навларига айниқса нимранг, чарос, каттақўрғон узумларига ҳам сепиш мумкин. Бу навларда об-ҳаво ноқулай келганда чангланиш нормал бўлмайди. Гиббереллин билан ишлаш эса чангланиш ўрнига ўтиб, узум навларини майда бўлишдан сақлайди ва яхши ҳолга келади.

Кишмиш навлари учун бир гектар токзорга (1600 тун бўлган тақдирда) 30 грамм гиббереллин сарфланиб, бундан 300 литр эритма тайёрлаб пуркаладилар.

Гиббереллин қиммат препарат бўлса ҳам ҳосилни ошириш ҳисобига у катта фойда келтиради. Илмий-текшириш ишлари олиб борилиши ва кўп йиллик кузатишлар гиббереллинни қўллаш билан токзор ҳосилини ўртача 60—74 процентга ошириш ва гектаридан 40 — 160 центнер қўшимча сифатли ҳосил олиш мумкинлиги маълум бўлди. Токзордан олинадиган қўшимча даромад эса 550 сўмдан 2000 сўмгача кўпаяди.

Шуни эътиборга олиш керакки, юқори агротехника тадбирлари ўз вақтида бажарилгандагина гиббереллин ўз таъсир кучини янада оширади. 1966 — 1967 йиллари Самарқанд области хўжаликларида кишмиш навлари экилган 230—300 гектар токзорларга гиббереллин сепилиб, ҳосилни гектаридан қўшимча 50-60 центнер ошириш эришилди. Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозда ҳам гиббереллиндан кенг фойдаланиш орқали токзорлардан юқори ҳосил етиштирилмоқда.

Хуллас, гиббереллин—узум ҳосилини оширадиган фойдали воситадир.

А. ФАЙЗИЕВ,
Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институтининг илмий ходими.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

АФҒОН ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

Бундан 49 йил муқаддам афғон халқи инглиз мустамлакачиларига қарши олиб борилган миллий-озодлик кураши натижасида ўз мустақиллигини қўлга киритди.

Афғонистон асрлар давомида Эрон, Ўрта Осиё ва Ҳиндистондаги йирик феодал давлатлар ўртасида шиддатли кураш майдони бўлиб келди. XVI асрда мамлакатнинг ғарбий қисмини эроқликлар, шарқий қисмини эса Буюк Мўғуллар давлати босиб олган эди. Афғон қабиларидан чет эл зулмига қарши бир неча марта исён кўтарди. 1747 йилга келиб афғонлар Эрон босқинчиларини мамлакатдан ҳайдаб чиқардилар ва мустақил афғон давлатини барпо қилдилар. Бироқ, ёш давлат ҳали нафасини ростлаб олмасданоқ Шарқ халқларининг ёвуз душмани бўлмиш Англия империалистларининг чангалига тушди.

Афғон халқи ўз озодлиги ва мустақиллиги учун инглиз мустамлакачиларига қарши қаттиқ кураш олиб борди. 1838—1842 йилларгаги биринчи инглиз-афғон уруши инглиз босқинчиларининг зўр мағлубияти билан тугалланди. 1878—1880 йилларда бўлган иккинчи урушда ҳам инглизлар мағлубиятга учрадилар. Лекин шунга қарамай, улар Афғонистонга экономика жиҳатдан таъсир ўтказиш билан бирга, қобул амирларининг ташқи сиёсатини ҳам назорат қила бошладилар.

Тез орада Афғонистон Англиянинг ярим мустамлакасига айланиб қолди. 1893 йилда буюк Британия Афғонистон билан ҳинд-афғон чегараси ҳақидаги битимни имзолади. «Дюранд чизиғи» номи билан машҳур бўлган бу битимга кўра, афғон қабилаларининг кўп ерлари Англиянинг Ҳиндистондаги мулкига қўшиб олинди.

Афғонистон халқи мустамлака зулмига қарши узоқ ва мардона курашди. Бу кураш айниқса Октябрь социалистик революциясининг таъсирида янада кучайди. 1919 йил 27 майда Афғонистон мустақил давлат, деб эълон қилинди. Бунга жавобан, инглиз босқинчилари афғон халқига қарши, учинчи марта уруш бошлади. Бу урушда ҳам арксевар афғон халқи инглиз босқинчиларини зўр мағлубиятга учратди. Мана шундан сўнг Англия давлати Афғонистон билан дипломатик муносабатлар ўрнатган давлат — В. И. Ленин бошлиқ ёш Совет давлати эди. Афғонистон амири Омонуллахон Ленин номига юборган ўз мактубида Россия билан дўстлик муносабатларини ўрнатишни истагини билдирган эди. В. И. Ленин амирга эзгу жавоб хатида Совет ҳокимияти Афғонистон билан дипломатик алоқа ўрнатишгина қолмай, унга қўлидан келганича ёрдам беради, деди. В. И. Ленининг афғон халқининг ўз мустақиллиги учун империализмга қарши олиб бораётган курашига нисбатан ҳурмат билан тўлиб-тошган жавоб мактуби Афғонистон учун ўша вақтда шимолдаги қўшнисидан олган катта маънавий ёрдам бўлди.

Афғон халқи ва ҳукумати мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб мустамлакачилар ҳукмронлиги йилларидан қолган оғир мусибатларни тугатишга киришдилар. Қисқа муддат ичида мамлакатда миллий экономика анча кўтарилди, янги корхоналар, маданий ва медицина муассасаларининг сони ошди, йўллар ва алоқа воситалари яхшиланди. Маорифни ривожлантириш соҳасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди.

Совет ҳукумати В. И. Ленин кўрсатмаларига амал қилиб Афғонистонга ҳартомонлама ёрдам бериб келаётир. Совет Иттифоқининг самимий ва бегараз ёрдами билан мамлакатда йирик авторемонт заводи, нон комбинати, асфальт — бетон заводи, гидроэлектростанциялар, Герируд дарёсига қурилган 410 метрли кўприк Қобул атрофида қурилган уйсозлик комбинати ва бошқа иншоотлар қад кўтарди. Шунингдек Жалолобод ирригация системасининг очилиши ҳамда 700 километрга яқин узунликдаги Кушка—Ҳирот—Қандаҳор автомобиль магистралининг қуриб битказилиши мамлакат тарихида муҳим воқеа бўлди.

Ҳозирги кунда Афғонистон пойтахти Қобулда Совет Иттифоқи ёрдами билан иккита микрорайон қурилиб битди. Кечагина қакраб ётган чўл ўрнида 800 квартирали 22 та уй-жой, мактаблар, болалар боғчалари, магазинлар ва кафелар қад кўтарилди. Ўтган йил апрель ойида Афғонистонда Совет Иттифоқининг техникавий ёрдамида қурилган яна бир пахта тозалаш заводи ишга туширилди. Шунингдек, Қобулда Совет Иттифоқида тайёрланган лойиҳа асосида ва Совет Иттифоқи ёрдамида политехника институтининг биноси қад кўтарди. Ўтган йили Афғонистон — Совет Иттифоқи газ қувур- қурилишида ишларнинг энг қийин даври тугаллаб, Амударё тагига сўнгги дюкер ётқизилиб ишга туширилди.

Ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик муносабатларининг ривожланишига серқуёш республикамиз ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келаётир. Совет Ўзбекистони Афғонистонда саноат корхоналарини лойиҳалаш ва қуришда, миллий кадрлар тайёрлашда кўмаклашдилар.

СССР ва Афғонистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланаяпти. Совет давлат ва жамоат арбоблари, санъаткорлар, олимлар ва спортчилар Афғонистонда бир неча бор бўлдилар. Ўз навбатида Афғонистоннинг худди шундай делегациялари мамлакатимизга меҳмон бўлиб келди. Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқларнинг афғон элида ҳамда Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ, Бош министр Муҳаммад Ҳошим Мейвандвалнинг Совет Иттифоқида бўлиши ўртадаги дўстликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

Яқинда Амударёнинг Термез ва Тошгузар портлари районида қидирув ишлари ўтказиш тўғрисида Совет—Афғонистон протоколи имзоланди. Шунингдек, Афғонистон иқтисодий делегацияси билан бизнинг делегациямиз ўртасида олиб борилган музокаралар муваффақиятли тугалланди.

Ҳар иккала давлат ўртасидаги яхши қўшничилик, дўстона ҳамкорлик СССР билан Афғонистон халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

У. МИРИСМОИЛОВА,
Узбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти илмий ходими.

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ТЕПАСИДА УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ. (ТАСС). 26 майда Вьетнам Халқ армиясининг жангчилари Вьетнам Демократик Республикасининг осмон чегарасини ёриб ўтган Американинг учувчисиз бир самолётини Виньфу вилояти тепасида уриб туширдилар.

Вьетнам информация агентлигининг хабарида айтилишича, аниқланган маълумотларга қараганда, Куангбинь ва Хатинь вилоятлари тепасида Американинг 24 майда бир самолёти ва 25 май яна бир самолёти уриб туширилган.

Шундай қилиб, Вьетнам Демократик Республикаси осмонида уриб туширилган Америка самолётларининг ҳаммаси 2947 тага етди.

МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПАРИЖ, 27 май. (ТАСС). Франция социал ишлар министрлигининг биносида кеча ҳукумат, корхоналарнинг хўжайинлари ва касаба союзлари вакилларининг иккинчи учрашуви очилди.

Умуммеҳнат конфедерациясининг бош секретари Жорж Сегн журналистларга айтдики, умуммеҳнат конфедерациясининг делегацияси забастовка кунлари учун меҳнаткашларнинг иш ҳақини ундириб олишга, ҳукуматнинг социал соҳадаги декретларини бекор қилдиришга, омманинг харид қобилияти стабиль даражада бўлишини таъминлайдиган махсус қоидаларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилаберади.

ЧЕГАРАДА шундай бир участка борки, у ерда учта социалистик давлат: Чехословакия Социалистик Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси ва СССР ери кесишади. Совет чегара қўшинларининг 50 йиллиги арафасида бу ерда тантанали учрашув бўлди. Чехословакия ва Венгрия чегарачилари дўстларини табриклагани келишди. Эсдалик совғалар ва гуллар топширишди. Суратда: СССР, Чехословакия Социалистик Республикаси ва Венгрия Халқ Республикаси чегарасидаги учрашув.

М. Редькин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

КЕТМА-КЕТ ИҒВОГАРЛИК

ЛОНДОН. (ТАСС). Иордания армиясининг вакили Иордания билан Исроил ўртасида жангларни тўхтатиш тўғрисидаги битимни Исроил қўшинлари 26 май эрталаб уч марта бузганликларини айтди. Рейтер агентлиги мухбирининг Аммондан берган хабарида айтилишича, Иордания армиясининг вакили Исроил уч кундан бери Иорданияга қарши кетма-кет иғвогарлик қилаётганлигини айтган. 25 майда масалан Исроил қўшинлари Иордания позицияларига тўрт марта ўт очганлар, 26 майда эса исроилликлар Дамия кўпригининг жанубида Иордан дарёсининг шарқий соҳилини ўққа тутганлар, сўнгра эса шу кўприкнинг шимолида Иордан томонида ишлаб турган деҳқонларга ўт очганлар. Исроил Иордания қўшинларининг позициясини тўпга тутгандан кейин Иордания қўшинлари ҳам бунга жавобан ўт очганлар. Иордания талафот кўргани йўқ. Вакилнинг айтишича, исроилликларнинг катта бир тўп замбараги ва ўқ-дори омбори яксон қилинган.

СУДАН ҲУКУМАТИ ИСТЕЪФО БЕРДИ

ХАРТУМ. (ТАСС). Судан бош министри Муҳаммад аҳмад Маҳжуб ўз ҳукумати истеъфо берганлиги тўғрисидаги аризани олий давлат кенгашининг раиси Исмоил ал-Азхарийга топширди.

Таъсис мажлиси сайланганидан кейин унинг ҳукуматнинг янги бошлиғини танлаб олишига имкон бермоқ учун шундай қилинди.

Исмоил ал-Азхарий ҳукуматнинг истеъфосини қабул қилди. Бу янги ҳукумат тузилгунча бутун ҳокимиятни ўз зиммасига олади.

Тошкент янгиликлари

ҲАЙКАЛЛАР АНСАМБЛИ

Янги Тошкент жамоли ой сайин таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда.

Пойтахт маркази — Революция скверининг қиёфаси ҳам тобора чирой очмоқда. Бу ерда «Прометей» мавзуида ҳайкаллар ансамбли ташкил этиш ишлари бошлаб юборилган. Улуғ доҳиймиз Карл Марксга қўйилган янги ҳайкал ана шу ансамблнинг марказий қисми ҳисобланади.

Яқинда «Жасорат» монументи ҳам қад кўтаради. Бу монумент мард тошкентликларнинг табиий офат — зилзилага қарши мардона турганликлари ҳақида ҳикоя қилади. Унинг ёнида эса махсус музей ташкил этиш мўлжалланмоқда. Унда мамлакатимизнинг барча халқлари Тошкентга кўрсатган улкан ёрдамлари ўз аксини топади. Музейни ташкил қилишда Москва мутахассисларидан ташқари тошкентлик архитекторлар ҳам фаол иштирок этади.

ҲОВЛИ ТУЙИЛАРИ

Дўстларимиз деярли ҳар ҳафтада янги турар-жой биноларини фойдаланишга топширмоқдалар. Куни-кеча «Марказ—13» да меҳнат қилаётган ленинградлик қурувчилар тошкентлик биродарларга иккита уйни совға қилишди. Уларнинг бири 80 квартирали, иккинчиси эса 32 квартирали.

Пойтахтимиздаги 153-қурилиш трестининг 1-қурилиш бошқармаси коллективи ҳам янгиянги уйларни қўлдан чиқармоқда. Улар Чилонзорнинг 5-Б кварталида бирйўла тўртта бинони фойдаланишга топириш арафасида туришибди.

ҚУЛУПНАЙ МУРАББОСИ

Шу кунларда ҳамма ерда ёзнинг илк меваси қулупнай ғарқ пишган. Миришкор деҳқонларимиз ҳосили шаҳар аҳолисига пешма-пеш келтириб сотмоқдалар.

Ҳозир Тошкентдаги консерва заводида иш қизғин. Бу ерга деярлик ҳар куни 7—8 тоннагача қулупнай келтирилаётир. Заводнинг меҳнатсевар коллективи маҳсулотларни пешма-пеш қозонларга солиб, мураббо тайёрламоқда. Ҳозир 30 тоннага яқин қулупнай мураббоси тайёрлаб қўйилди. Йил охиригача бу рақам 100 тоннадан ортади.

Келтирилаётган қулупнай Калинин районидаги Куйбишев номли «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», «Партия XX съезди» колхозларида етиштирилган.

СОВЕТ ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

ЖАНГОВАР ХИЗМАТДА ЯРИМ АСР

ГЕНЕРАЛ-ПОЛКОВНИК ПАВЕЛ ЗИРЯНОВ ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИ БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ

Совет Иттифоқи чегаралари 60 минг километрдан ортиқроқ масофага чўзилган. Бу чегараларни яшил фуражкали жангчилар қўриқлаб туришибди.

Улар Аракс ва Амур соҳилларидаги ўрмонлар ва Болтиқ, Баренцев ва Қора денгизларда, Тинч океан сувларида ўтишади. Маккор душман территориямизга қаердан суқилиб киришга уринмасин, уни совет чегараларининг ҳимоячилари — чегарачилар қарши олишади.

Улар жанговар вахтада турганига ярим аср бўлди. 1918 йил 28 майда Халқ Комиссарлари Советининг декрети билан ёш Советлар республикасининг чегара мудофаси қўшинлари таъсис этилган эди. Бу декретга Владимир Ильич Ленин имзо чеккан. Совет чегарачиларининг биринчи раҳбари ва устози ажойиб революционер Феликс Эдмундович Дзержинский бўлган.

Чегара қўшинлари партия ва халқ зиммаларига юклаган масъулиятли вазифаларни ҳамиша шараф билан бажариб келдилар. Империалистлар ва уларнинг разведкаси мамлакатимизда социализм қурилиши ишига ҳар хил йўллар билан тўсқинлик қилиш, қўзланган мақсад сари ҳаракат қилишда совет халқига халал бериш учун ҳамиша қуч ва маблағларни аямай сарфлаб келдилар.

Жанговар хизматимизнинг дастлабки даврларини эслайлик. Чегара районларида ўша вақтда жосуслар, қўпорувчилар контрабандачилар тез-тез пайдо бўлиб туришарди. Ҳали яксон қилинмаган оқ гвардиячилар ҳам шу томон кўз олайтирарди. Ҳар хил ёнқобдаги босқинчилар четдан қурол олиб ва қўллаб-қувватланиб туриб чегарадаги қишлоқларга бостириб кирардилар. Уй-жойларни ва халқ мулкини ёндириб, маҳаллий аҳолини талаб-ўлдириб кетардилар. Ўша вақтда совет кишилари яшил фуражка кийган жангчиларга ва ЧК ходимларига умид билан боқишарди, уларга чегара яқинидаги районларда сиёсий бандитизмга қарши курашда актив ёрдам беришарди. Қўпгина босмачилар шайкалари, қўпорувчилар группалари ва якка-ёлғиз жосуслар ва қўпорувчилар чегарачилар томонидан яксон қилинди ва қўлга туширилди. Чегарачиларимиз совет чегараларини маҳкам қулфлаб қўйдилар.

30-йиллар ҳам мураккаб шароитда ўтди. Гитлерчилар Германияси ва империалистик Япония СССРга қарши урушга тайёрланаркан ўз разведкасини ҳар қачонгидан ҳам активлаштириб юборди.

Ўша вақтда мен Узоқ Шарқда хизмат қилар эдим, чегара отрядига командир эдим. Хотиржамлик билан ўтган кунни камдан-кам биламан. Гоҳ у, гоҳ бу жойда японлар қуролланган фитна уюштиришар, чегарани бузиб, бизнинг нарядларимизни ўққа тутишар, СССРга ўз агентларини ташлашга урнишарди. Ғарбий чегарада гитлерчилар разведкаси ҳам активлик қилаётган эди. Бундай мураккаб шароитда чегарачилар ўз хизмат вазифаларини ҳушёрлик билан ўтадилар, душманларга муносиб зарба бердилар.

Чегарачилар Улуғ Ватан уруши йилларида энг оғир синовларни бошидан кечирдилар. Улар биринчи бўлиб жангга кирдилар. Маълумки, фашистлар одам сони жиҳатидан жуда катта устунликка эга эдилар, танклар, авиация, артиллериядан ҳам бир неча бор устунлик қилишарди. Сон жиҳатидан оз бўлса ҳам, руҳан мустаҳкам совет чегара заставалари ўша даҳшатли соатда жойларидан қимирламадилар, темир ирода билан Ватаннинг муқаддас чегараларини саклаб турдилар.

Ҳар бир застава қалъага айланди, ҳар бир чегарачи баҳодир жангчи бўлиб қолди. Ҳозир ғарбий чегарадаги 1941 йил июнь жангларидан сўнг 27 йил ўтган бўлса ҳам жангчиларнинг қаҳрамонлиги, сабот-матонати ва шуҳратининг янгидан-янги саҳифалари очилмоқда, қаҳрамонларнинг янги-янги номлари маълум бўлмоқда.

Лейтенант А. Лопатин заставаси жангчиларининг қаҳрамонлиги узоқ вақтгача жанговар мардлик чўққиси ҳисобланиб келарди. Жангчилар 12 сутка мобайнида мудофаани сақлаб туришган. Эндиликда биз душманларга қарши ана шундай мардона курашган чегарачиларни биламиз. Уларга политрук П. Роднонов, лейтенант В. Тужлов, старший лейтенант В. Девятих, младший лейтенант Н. Колотов ва бошқалар командирлик қилишган.

Чегара қўшинларининг ярим асрлик шонли солномасини хаёлан варақлар экансан, душман устидан ғалаба қозониш учун қонин ҳам, жонини ҳам аямаган, Ватанга содиқ мард солдатларнинг турли авлодлари кўз олдингдан ўтади.

Бу Ўрта Осиёда афсонавий Қашқа сув постида турган пулеметчи Сидоров ва унинг ўртоқларидир. Булар Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида босмачиларга қарши тенгсиз жангда ҳалок бўлишди. Ҳаёт билан хайрлашар чоғда улар ўз «Максим»и қалқонига тўла ишонч билан «Яшасин коммунизм!» деб ёзиб қўйишди.

Бу—совет чегараси орқали ўтмоқчи бўлган қўпорувчилар бандасининг йўлини ўз кўкси билан тўсган Андрей Коробициндир. Бу — Алексей Маҳалин ва у билан тенгдош баҳодирлардир. Улар япон самурайларига қарши Ҳасанкўл яқинида мардона курашишган. Улардан сўнг Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонларини кўрамиз. Жангчи чекистларнинг мардлиги ва хушёрлиги эстафетаси авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Урушдан сўнгги йиллар чегарачилар зиммасига масъулиятли вазифалар юкланди. Империалистик давлатлар ва аввало Америка Қўшма Штатлари СССРга ва социалистик мамлакатларга қарши ўз разведкасининг актив қўпорувчилик фаолиятини кучайтириб юбордилар. фитналар ва жосусликни улар давлат сиёсати даражасига кўтардилар.

Мамлакатимизни душман агентурасининг суқилиб киришидан сақлашда давлат хавфсизлиги органларига ёрдам берайтган чегарачилар чегараларимизни мустаҳкам тўсиб қўйдилар.

Урушдан кейинги йилларда машҳур изтопарлар плеяраси, чегара ишининг Александр Смолин, Василий Демчук, Вячеслав Дунаев, Борис Запорожский, Анатолий Михайлов каби чинакам устаталари етишиб чиқди. Улар чегара бузувчилар учун аёвсиз қуч бўлиб қолдилар.

Чегараларни қўриқлаш эндиликда урушгача ва хатто урушдан кейинги дастлабки йилларидагига нисбатан тубдан ўзгарди. Чегарада янги техника пайдо бўлди. Эндиликда солдатларга фақатгина от эмас (отлар ҳозир ҳам айрим жойларда асосий восита ҳисобланади), балки тезюрар транспорт — автомобиль, кема, вертолет, самолет ҳам ёрдамга келган. Бизнинг ихтиёримизда замонавий кузатиш, алоқа қилиш, сигнализация воситалари бор. Жангчиларимизнинг ишончли қўлларидаги техника хавф бўлаётган жойларни тезлик билан ва ишончли суратда тўсишга имкон беради.

Империалистлар Совет мамлакатига қарши идеологик қўпорувчилик ишларини ҳозир ҳар қачонгидан ҳам актив равишда олиб бормоқда. Антикоммунизмнинг ҳамма қучлари совет қишлари орасида ва айниқса совет ёшлари ўртасида коммунизм идеалларига ишончсизлик уруғини сочиш, халқларнинг буюк социалистик ҳамдўстлигига путур етказишга қаратилгандир. Булар хаёлий планлардир, чунки марксизм-ленинизм голиб идеологиясини барбод этиш, мамлакатимизнинг жаҳон тақдирига ҳаётбахш таъсирини сўндириш мумкин эмас. Лекин, биз душман фитналарига етарли тарзда баҳо бермай иложимиз йўқ, буржуа таъсирининг ҳар қандай формаларига қарши тура билишимиз ҳушёрликни бўшаштирмаслигим и з керак. КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг қарорлари ҳам биздан шуни талаб қилади.

Чегара қўшинларининг 50 йиллигга умумхалқ байрамидир. Жангчиларгина эмас, балки чегара яқинида яшовчи ҳамма аҳоли, халқ дружиналарининг аъзолари ва чегарачиларнинг ёш дўстлари ҳам бугун юбилярлар ҳисобланади. Биз Ватанимиз муқаддас чегараларини қўриқлашда актив ёрдам бераётганликлари учун содиқ дўстларимизга чин юракдан миннатдорчилик билдирамиз.

Коммунистик партия ва халқ чегара соқчилари тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилмоқдалар, уларни хизмат учун зарур бўлган ҳамма нарсалар билан таъминламоқдалар ва уларнинг жанговар меҳнатини юксак қадрламоқдалар.

Ўзининг шонли эллик йиллигини чегарачилар одатдагидек дозорда, жанговар навбатчиликда ўтказадилар. Улар Ватан ҳақида, партия ҳақида, улуғ совет халқи ҳақидаги ўйлар билан вахтага чиқадилар. (АПН).

Суратда: энг яхши чегарачи денгизчилардан бири, 2-статья старшинаси Ю. Саар. У комендорлар бўлинмасининг командири, комсомол аъзоси, моҳир мутахасисдир.

ТАСС фотохроникаси.

МАКТАБДА НАВОИЙХОНЛИК

Саҳнага бобокалон шоиримиз Алишер Навоий кириб келади. У залда ўтирган ўқувчиларга қарата ўзининг самимий юрак сўзларини айтади.

— Болаларим, набираларим, — дейди у,— сизлар ажойиб замонда яшамоқдасизлар. Билим олишингиз, ҳунар эгаллашингиз учун ҳамма имкониятлар яратиб берилган. Бу бахтиёр ҳаётингизга менинг ҳаваслим келади...

Тошкентдаги 174-мактабда ўтказилган навоийхонлик кечаси ана шу ларик пролог билан бошланди.

Кечага мактаб ўқувчилари пухта ҳозирлик кўришган эди. Юқори синф ўқувчиларидан М. Аҳмаджонова, Н. Содиқова, А. Тўлаганов ва бошқалар Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапириб бердилар.



Бу қувноқ болалар Янгийўл шаҳридаги 6-болалар боғчасида тарбияланади. Боғча мураббийлари ўғил ва қизларимизнинг соғлом ва тетик бўлиб ўсишлари учун жонкуярлик кўрсатиб ишламоқдалар.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

Спорт

СПАРТАКИАДА БАЙРОҒИ ҲИЛПИРАМОҚДА

Ўзбекистон шаҳарлари IV спартакиадаси оммавийлиги жиҳатдан ҳам, унда қатнашувчи командалар, мусобақалар ўтказиладиган жойларнинг географияси жиҳатидан ҳам, аввалги спартакиадалардан фарқ қилади.

Колхоз, совхоз, завод, фабрикаларда ўтказилган дастлабки этап мусобақаларида голиб келганлар, район биринчиликларида, сўнг шаҳар спартакиадаларида беллашдилар. Шунда юзлаб қобилиятли спортчилар борлиги аниқланди, кўплаб ёшлар разряд нормативларини бажардилар.

Мана бир ойдан бери, Ўзбекистон шаҳарлари IV спартакиадаси байроғи ҳилпираб турипти. Кучлиларнинг кучлилари тўрт группага бўлиниб, бахслашмоқда. Иккинчи группада 8 шаҳар командаси қатнашиб, спортнинг 10 тури бўйича беллашди. Мусобақалар тугади, голиблар аниқланди, совриллар эгасини топди. Учинчи ва тўртинчи группалардаги мусобақалар эса 31 майда тугайди. Энг кучлиларни ташкил қилган биринчи группа эса ҳали стартга чиққани йўқ. Бу даврага кирган шаҳар командалари июнь—июль ойида куч синашадилар.

Бахсларни тугатган иккинчи группа қатнашчилари қандай натижаларни қўлга киритдилар? Улар эришган кўрсаткичлардан спорт мухлислари мамнуними?

Бу группада областимиз спорт шарафини ҳимоя қилган Чирчиқ спортчилари ажойиб ютуқни қўлга киритдилар. Классик кураш, велоспорт, волейбол, спорт гимнастикаси, енгил атлетика, оғир атлетика, шахмат бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллаган чирчиқликлар умумкоманда ҳисобида ҳам биринчи ўринга чиқишди. Улар Қўқон, Термиз, Наманган, Нукус, Урганч, Навоий, Қарши шаҳар спортчиларини доғда қолдиришди.

Спорт гимнастикаси мусобақасида Н. Мяус яна ўзини кўрсатди. У аёллар ўртасида спорт мастери программасида ўтказилган мусобақада 70,7 бал тўплаб, спартакнада чемпиони бўлди. Оғир атлетикачилар Р. Ахмедшин, В. Штихно, А. Биков, Л. Обрезковлар ҳам чирчиқликлар ғалабасига ўз улушларини қўшдилар.

Тўрт группада 29 шаҳар команда катнашяпти. Биринчи группага кирган Андижон, Фарғона, Самарқанд, Тошкент-I ва Тошкент-II командалари мусобақаларига қизиқиш катта.

БИРИНЧИ МАРТА

Республика ёшлари ўртасида биринчи марта спорт ўйинлари мусобақаси ўтказилянти. Программага спортнинг эшкак эшиш, классик кураш, қўл тўпи, велосипед, қиличбозлик, теннис, енгил атлетика, эркин кураш, самбо, гимнастика бокс, мерганлик турлари киритилган.

Голиблик учун «Динамо», «Спартак», «Ёш куч», «Зенит», «Локомотив», «Меҳнат», «Буревестник», «Меҳнат резервлари» жамияти спортчилари курашмоқда. Мерганлик ва шахмат бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Ўк отишда «Динамо» командаси, шахмат бўйича «Меҳнат» вакиллари голиб келди.

Мусобақалар давом этмоқда.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Б ИЗ матбуот тарқатувчидер эканмиз, бу сўзнинг орқасида маданият ходими, сергайрат ва тиниб-тинчимас киши турганини ҳис қиламиз.

Киоскада газета ва журналлар сотувчи... у, оддий сотувчигина бўлибгина қолмай, оммa ўртасида маданият тарқатувчи ҳамдир.

Фурқат Ашрапов ҳам пойтахтимиздаги юзлаб янгилик жарчиларидан биридир. У Энгельс кўчасидаги Киров «Союзпечать»ига қарашли 195. киоскада ишлайди.

...Бугун ҳам уни эрта тонгда иш жойида учратдик. Фурқат киоскани очишдан олдин унинг ён-атрофига сув сепиб, тоза қилиб супурди. Сўнг киоскани жиҳозлай бошлади. Ҳар бир газета ва журнални, бадиий китоб ва қўлланмаларни жой-жойига қўйиб чиқди.

Соатига қаради. Беш минути кам етти.

— Инспектор кечикяпти-ку, —ҳаёлидан ўтказди у.—Ҳар куни шу вақтда газеталарни келтирган бўлаади.

Бироз вакт ўтгач, «Волга» машинаси киоска ёнига келиб тўхтади. Кабинадан район «Союзпечать»и инспектори Нигмат Султонов чиқиб келди.

— Роса 10 минутга кечикдинг, дўстим,—таъна қилди Фурқат ва киоска ёнидан ўтиб кетаётган одамларга қараркан деди:

— Кўрдингми, улар иш кунини етти яримда бошлашади. Газеталарни ўз вақтида олиб келганингда газетхонлар ўз ишхоналарига янги газета ва журналларни олиб кетишарди. Хабаринг бор, шу кечикиш масаласида аввалги инспектор ишдан бўшатилган эди.

— Узр, ўртоқ, энди кечиктирмасдан олиб келаман,—айбини тан олди Нигмат.—Ваъдага мувофиқ «Правда Востока», «Совет Ўзбекистони» ва «Тошкент ҳақиқати» газеталарини 50 гадан қўшиб келдим. Сен чет эл журналларини ҳам илтимос қилган экансан. Базадаги ўртоқлар бу журналларни топиб, мендан бериб юборишди.

— Мана, бу ишинг яхши — ҳурсанд бўлди Фурқат,—янги келтирилган газета-журналларни киоскага ташир экан,—доимий харидорларим олдида юзим ёруғ бўладиган бўлди.

Савдо қизиб кетди. Навбат кутиб турганларнинг кўпчилиги Фурқатни исми билан чақиришиб, у билан ҳол-аҳвол сўрашишар, ўзларига керак бўлган газета-журналларни олиб кетишарди.

Качалин Георгий Степанович— киоскانинг, доимий харидорларидан бири.

— Кеча инглизча журналнинг навбатдаги сонини олиб келмоқчи эдинг, нима бўлди?

— Эсимда бор, Георгий Степанович. Мана, марҳамат.

— Раҳмат ука,—миннатдорчилик билдирди Качалин.

Харидорлар орасида ёш бир аёл киоскадан нималарнидир ахтарарди.

— Хизмат?,—сўради Фурқат.

— Биласизми, бундан бир ой муқаддам мен бу ерда «Модалар» журналини сотиб олган эдим. Шаҳримизнинг кўплаб киоскаларида бўлдим. Бу журналнинг навбатдаги сони топилмади...

— Яхши, — жавоб қилди Фурқат,—эртага келинг, албатта бу журнални келтириб қўяман.

Харидорлар билан бўлган бу самимийлик ишда яхши натижалар беряпти. Ойлик планлар доимо ошириб адо этилмоқда. Январь, февраль ойларида план 110 процент, март ва апрель ойида эса план 115 процентга етказиб бажарилди. Илгарилари бу киоскада кундалик газеталар 150—200 тадан сотиларди. Фурқат эса уларнинг сонини яна 100—120 тага оширди.

Фурқат Ашрапов газета ва журналларни жамоатчилик ўртасида кенг тарқатиш борасида ана шундай ташаббускорлик кўрсатмоқда.

Инсон ўз касбини иззат ва ҳурмат қилиши, уни сидқидилдан севиши керак. Шундагина бу касб ўз эгасини ардоқлайди. эл ўртасида обрўсини кўтаради. Шарафли касб эгаси, киоскачи Фурқат Ашраповнинг меҳнат фаолияти бунга яққол далилдир.

И. ЮСУПОВ.

Суратда: Ф. Ашрапов, Э. Тўраев фотоси.

ИҲЛОВЧИЛАР, СИЗЛАР УЧУН

ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

Ҳозирги олди ёз кунларида темир йўл ва ҳаво флоти вокзаллари йўловчилар айниқса дам олишга ошиқаётган кишилар билан гавжум.

Темирйўлчилар ва авиаторлар айни иссиқ ёз кунларида пойтахт шаҳримизга меҳмон бўлиб келаётган ёки ўз дам олиш кунларини узоқ манзаралі жойларда ўтказиш учун сафарга чиққан кишиларга қандай хизмат кўрсатишяпти?

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛ ПАССАЖИРЛАР ТАШИШ ХИЗМАТИНИНГ БОШЛИҒИ ЎРТОҚ Г. З. ЗАҲРИДДИНОВ бизга бу ҳақда шундай ҳикоя қилиб берди:

— Шу йил 26 май кечасидан бошлаб поездлар пухта ўйлаб чиқилган график асосида қатнай бошлайди. Бу графикларни тузишда темирйўлчилар ишдаги ўтган мавсумда йўл қўйилган нуқсон ҳамда кўплаб йўловчиларнинг таклиф-мулоҳазаларини ҳисобга олишди.

Янги графикка асосан Душанба—Ленинград маршрути йўлга қўйилди. Шунингдек, бошқа маршрутда қатнайдиган поездлар графигига ҳам ўзгартишлар киритилди. Жумладан, Самарқанд—Москва составлари ўтган йиллари бор-йўғи бир неча рейсни ташкил қилган бўлса, эндиликда бу маршрут кунора йўлга қўйилди. Бу поездга тошкентликлар ҳам билет олишлари учун ҳамма имконият ҳозирлаб берилди. Тошкент — Андижон ва Тошкент—Наманган составлар ҳаракати ҳам тезлаштирилди. Уларнинг келиши ва жўнатиш вақтлари йўловчиларнинг вақтларига қулайлаштирилди.

Темирйўлчиларимиз шаҳар атрофига поездлар қатновини такомиллаштиришда ҳам бирмунча ишларни амалга оширишди. Беш кунлик иш ҳафтасига ўтиб ишлаётган меҳнаткашлар учун бу анча қулайлик туғдиради. Шаҳар меҳнаткашлари шанба ва якшанба кунларини шаҳар атрофидаги манзаралі жойларда ўтказишлари учун қўшимча поездлар ҳаракати йўлга қўйилди. Масалан, илгари поезд Тошкент—Барраж ўртасида қатнаган бўлса, ҳозир Хожикент қишлоғигача боради.

Бу йил биз янги типдаги бир неча вагон қабул қилиб олдик. Вагонларда йўловчилар учун ҳамма қулай шароитлар бор.

ЎЗБЕКИСТОН ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ПАССАЖИРЛАР ТАШИШ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЎРТОҚ Ю. С. МУСОВ биз билан суҳбатда шундай деди:

—Хабарингиз борки, Москва—Тошкент—Москва трассасида қатнаш учун янги ҳаво лайнери «ТУ-114» йўлга қўйилган. Бу — ҳаво лайнерида узоқ сафарга чиқиш йўловчилар учун қулай.

Аввало, шуни айтмоқчиманки, кўпчилик кишилар меҳнат отпускасини оладиган ёзнинг иссиқ кунларида пойтахт шаҳримизни Сочи, Симферополь, Миноводи билан боғлайдиган бир неча қўшимча рейслар ташкил қилинади. Шунингдек, Сибирь, Узоқ Шарқ шаҳарлари билан ҳаво алоқалари яхшиланади. Жумладан, Тошкент—Новосибирск—Иркутск—Чита ва Тошкент—Олмаота — Новосибирск—Красноярск—Якутск —Магадан маршрутлари ўртасида «ТУ-104» ва «ИЛ-18» самолётлари қатнаб туради.

Янги авиалиниялар ҳам йўлга қўйилади. Шу йил 1 июндан бошлаб «АН-10» самолёти Ўзбекистон пойтахти билан Оренбургни боғлайди. АН—12 самолёти эса Тошкент—Куйбишев—Москва ва Тошкент —Новосибирск — Якутск ўртасида юклар ташийди.

Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг аҳил коллективи сафида учиш санъатини пухта эгаллаб олган учувчилар оз эмас. Улар меҳнаткашларимизни бехатар ўз манзилларига етказиб қўяди.

Дўстлар, граждан ҳаво флотидан кўпроқ фойдаланинг, чунки бор-йўғи тўрт соат ичида сизни Миноводига, икки соатда эса Ашхободга, бир соат ичида Душанба ёки Фрунзе шаҳрига узатиб қўяди.

В. ВИЛЬЧИК.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13,00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Телеянгиликлар ва декада кундалиги, 18.15 — В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан, Ленин Козон шаҳрида (ҳужжатли фильм), 18.35 — А. Навоий туғилган кунининг 525 йиллиги олдидан. Адабий эшиттириш, 19.00 — «Пахтакор» — «Арарат» (Ереван) командалари ўртасида футбол. Танаффус вақтида телеянгиликлар (ўзбек тилида). 20.45 — Матбаачилар эгаллаётган марралар.

21.00 дан — Душанба кўрсатади.

23.30 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 18.00 — Ўқув эшиттиришлари программаси. Физика (олий ўқув юртларига кирувчилар учун), 18,40 — Дохунда (бадиий фильм).

20.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20:00 — Биз ва нуёш (ҳужжатли фильм), 20.45 — Цирк томошалари.

Рус тилида: 21,25 — Чегарада жимжитлик (телефильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 28/V да Отелло, 29/V да Бозгашт.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/V да Гавҳари шамчироқ.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 28/V да Тожикистон «Гулшан» эстрада оркестрининг концерти.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Рад этиш — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Итальянча ўғирлик — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Шоир тақдири — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 11, кундуз 1, 3 да), «МОСКВА» (кеч соат 9,40 минутда).

Сиртаки — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8.45 минутда ва 10 яримда бошланади)

Аёллар салтанати — «РАКЕТА», Икки дил достони — НАВОИЙ номли.

Итальянча ўғирлик — «ФЕСТИВАЛЬ».

Анна Каренина — «ХИВА».

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши Министрлиги 1-«УЗСЕЛЬСПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИГА бош бухгалтер ўринбосари, катта бухгалтер, молия ишлари бўйича катта иқтисодчи

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 31-уй.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 08450. ИНДЕКС — 64697. № Б — 1870.